Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1988 йил 26 ноябрь
ШАНБА
№ 271 (4.470).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 24 ноябрда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитетининг бўлажак пленумини ва СССР Олий Советининг ўн иккинчи сессиясини ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилди.

Бутуниттифоқ XIX партия конференциясининг КПСС Марказий Комитети аппаратини қайтадан ташкил этиш ва қисқартириш тўғрисидаги кўрсатмаларига мувофиқ Марказий Комитет бўлимларининг янги структурасига оид таклифлар ва улар фаолиятининг асосий йўналишлари кўриб чиқилди. КПСС Марказий Комитетининг янги бўлимлари иш услубини анча ўзгартиришлари, идоравий ёндашувдан, хўжалик органларининг вазифаси билан шуғулланишдан воз кечишлари, социал-иқтисодий сиёсатнинг, мафкуравий фаолиятнинг энг муҳим муаммоларига, ижтимоий турмуш жараёнларини чуқур ўрганишга, кадрлар билан ишлашни яхшилашга бутун эътиборни қаратишлари лозимлиги таъкидланди.

Конституцияга киритиладиган ўзгартишлар тўғрисидаги ҳамда СССР халқ депутатлари сайлови ҳақидаги қонунлар лойиҳаларининг ниҳоясига етаётган умумхалқ муҳокамаси жамоатчиликнинг шу муаммоларга қизиқиши зўрлигидан далолат бераётганлиги қайд этилди. Меҳнаткашлардан тушган таклифлар қонун лойиҳаларини анчагина яхшилаш, уларда жамоатчилик фикрини тўлиқроқ акс эттириш ва СССР Олий Советининг муҳокамасига XIX партия конференцияси белгилаган сиёсий ислоҳотнинг дастлабки тадбирлари амалга оширилишини таъминлайдиган жуда муҳим ҳужжатларни киритиш имконини беради.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси М. С. Горбачевнинг Ҳиндистонга қилган расмий дўстлик визити якунларини кўриб чиқди. Олий даражадаги амалий мулоқот Совет Иттифоқи билан Ҳиндистоннинг ўзаро алоқаларига янги сифат ва жўшқинлик бахш этиши, Осиё—Тинч океан ва жаҳон ишларида ижобий силжишларга кўп жиҳатдан кўмаклашиши қайд этилди. 1986 йилги Деҳли декларациясини ривожлантирувчи олий даражадаги Совет—Ҳиндистон баёноти ядро қуролидан ва зўравонликдан ҳоли бўлган ҳамда кенг қамровли, жаҳоншумул пишиқ-пухта хавфсизлик ситемаси билан таъминланган дунёни барпо этиш йўлида бундан буён қилинадиган амалий ҳаракатларнинг йўлларини белгилаб беради.

Савдо-сотиқ, экономика, фан ва техника соҳаларидаги икки томонлама Совет-Ҳиндистон алоқалари принципиал янги мазмун билан тўлдирилмоқда. Иккала мамлакат раҳбарларининг бу галги учрашуви чоғида бир қанча ҳукуматлараро битимларнинг имзоланиши натижасида бунинг учун катта қўшимча имкониятлар яратилди. Ҳиндистон билан савдо, иқтисодий ҳамкорликнинг механизмини муваффақиятли равишда қайтадан ташкил этиш ва янги формаларини, аввало ишлаб чиқариш кооперациясини ўзлаштириб олиш — мазкур ҳамкорлик самарадорлигини ва ўзаро манфаатдорлигини оширишнинг калити эканлиги таъкидланди. Совет—Ҳиндистон маданий алоқаларини, шунингдек дўстлик жамиятлари, профессионал ва ижодий союзлар, хотин-қизлар, ёшлар ва спорт ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар йўли билан Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон ўртасидаги мулоқотни янада кучайтиришнинг муҳим аҳамияти уқтириб ўтилди.

А. Н. Яковлевнинг Венгрия ва Чехословакияга қилган амалий визитлари натижалари муҳокама қилинди. Будапешт ва Прагада имзоланган қардош партияларнинг мафкуравий ҳамкорлиги программалари тажриба алмашиш, биргаликдаги назарий ишларни, зиёлилар ва ёшларнинг алоқаларини кучайтириш, маданият соҳасида бир-бирини бойитиш учун шароит яратади. Социализмни янгилаш вазифалари ва муаммоларини, бу жараёнда Коммунистик ва ишчи партияларнинг ўрни ва ролини, социалистик мамлакатларда бошланган туб ўзгартишларнинг, улар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий ҳамкорликни такомиллаштириш билан ўзаро боғлиқлигини биргаликда янада чуқурроқ идрок этишда ВСИП ва ЧКП раҳбарлари билан бўлиб ўтган ўртоқларча суҳбатларнинг муҳимлиги таъкидланди.

Мажлисда Д. Т. Язовнинг Югославияга қилган расмий дўстлик визити тўғрисидаги ахбороти тингланди. Д. Т. Язовнинг ЮСФР раҳбарлари билан учрашувлари чоғида иккала томоннинг Совет Иттифоқи билан Югославия ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни янада ривожлантириш муддаоси тасдиқланганлиги мамнуният билан қайд этилди.

О. Д. Баклановнинг Афғонистон Республикасига қилган амалий визити, унинг Афғонистон Республикаси президенти Нажибулло ва Бош министри М. Ҳ. Шарқ билан ўтказган суҳбатлари якунлари тўғрисидаги ахборот кўриб чиқилди. Эришилган аҳдномаларга мувофиқ Совет—Афғонистон ҳамкорлигини ривожлантиришнинг конкрет масалалари юзасидан топшириқлар берилди.



Абдуқодир Тўхтаназаров ўн йилдан буён Задарё районидаги Навоий номли колхозда транспорт тракторини бошқаради. У пахта йиғим-теримн даврида Олимжон Эгамов бошлиқ бригадада 268 тонна оқ олтинни қабул пунктига ташиб, мусобақа ғолиби бўлган эди. Айни кунларда далага маҳаллий ўғит чиқаришда ҳам пешқадамлик қилмоқда.

СУРАТДА: Абдуқодир Тўхтаназаров.

А. БУРҲОНОВ фотоси.

Поп районидаги «Ленинград» колхозида ҳосилдан бўшаган ерлар жадал шудгорланмоқда. Бу юмушга 20 та трактор сафарбар этилган. Уларнинг кучи билан кунига 130—140 гектар майдон сифатли ҳайдалаяпти. Беллашувда механизатор Мамасоли Йўлдошев ҳамкасбларига ўрнак кўрсатмоқда. У ҳар куни 7—8 гектар пайкални қўлдан чиқараётир.

СУРАТЛАРДА: 1. Механизатор Мамасоли Йўлдошев. 2. Шудгорлаш пайти.

П. ЭРҒАШЕВ ва М. ХУДОЙҚУЛОВ фотолари.

Деҳқон бўлсанг, шудгор қил!

Республика областларида ер ҳайдашнинг бориши тўғрисида шу йил 25 ноябрга бўлган бўлган

ОПЕРАТИВ МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Тошкент	— 77,6
Қашқадарё	— 74,1
Бухоро	— 67,3
Фарғона	— 58,9
Сирдарё	— 54,5
ҚҚАССР	— 51,7
Наманган	— 47,3
Самарқанд	— 44,1
Хоразм	— 37,1
Андижон	— 27,5
Сурхондарё	— 19,8
Республика бўйича:	— 52,8

МАРРАДАН ЎЗГАНЛАР

КПСС XXVII съезди ҳамда Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорларини изчил амалга ошириб келаётган Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг чорвадорлари жорий йилда давлатга сут сотиш планини муддатидан илгари адо этишди. Шу кунга қадар эл дастурхонига 1.075 тонна ўрнига 1.080 тонна серқаймоқ сут етказиб берилди. Шунингдек, ҳар бир говмишдан пландаги 2.983 килограмм ўрнига 3.070 килограммдан сут соғиб олинди.

Ферма коллективи ўртасида чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш, таннархни арзонлаштириш учун кураш кенг тус олиб бораётганлиги ютуқлар омили бўлаяпти. Бу ерда ҳар бир сигирсоғарлар ўзаро беллашган ҳолда ишламоқда.

Оқ чашма соҳибаларидан Иноят Гофирбекова ўзига бириктирилган говмишлардан ҳозиргача 3.710 килограммдан, Маърифат Нуримова 3.524 килограммдан, Шарофат Фармонова 3.258 килограммдан, Заҳро Аҳмедова 3.248 килограммдан, Мактуба Салимова эса 3.173 килограммдан сут соғиб олишга муваффақ бўлдилар.

Фермада сигирсоғарлар, молбоқарларнинг унумли меҳнат қилишлари ва кўнгилли дам олишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Замонавий усулда бунёд этилган чорвадорлар уйида газета, журналларнинг янги сонлари, радио, телевизор бор.

Хўжаликда 1.000 га яқин қорамол бўлиб, шундан 350 таси соғин сигир. Уларни меҳр билан парваришлаб, маҳсулдорлигини оширишда Раҳмат Аҳмедов, Қобил Одилхўжаев, Муслим Исломов каби молбоқарларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти.

— КПСС Марказий Комитетининг мамлакат агросаноат комплексидаги коммунистларга, фермаларнинг меҳнаткашларига, барча ходимларига 1988—89 йил куз-қиш даврида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун мавжуд имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланиш тўғрисидаги хати фермамиз коллективини янги марралар сари руҳлантириб юборди, — дейди колхоз правлениеси раисининг муовини Абдукарим Қорабоев. — Ана шу оташин даъватга жавобан чорвадорларимиз йил охиригача яна давлатга 150 тонна сут сотиш мажбуриятини олишди.

Айни кунларда хўжалик чорвадорлари юксак мажбуриятни ҳам шараф билан уддалаш ниятида тобора баракали ишламоқдалар.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ДЕҲЛИДА

ДЕҲЛИ, 24 ноябрь. (**ТАСС махсус мухбири хабар қилади**): Осиё ва Африка мамлакатлари билан бирдамлик Совет комитетининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Р. Н. Нишонов бошчилик қилаётган делегацияси бугун бу ерга келди. Делегация Осиё ва Африка мамлакатлари билан бирдамлик ташкилотининг бугун кечқурун шу ерда очиладиган VII конгрессида қатнашади.

«Бу халқаро анжуман Совет Иттифоқи билан нодир даражадаги дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик ришталари билан боғланган буюк Ҳиндистон заминида ўтаётганидан зўр мамнуният ҳис этмоқдамиз, — деди ТАСС мухбирига Р. Н. Нишонов. — М. С. Горбачевнинг куни-кеча ниҳоясига етган Ҳиндистонга визити буни ишонарли тарзда намойиш этди. Муштарак юмушлар, хавф-хатар ва ташвишлар кўп қиёфали, хилма-хил ва ўзаро боғлиқ бўлган дунёмизни бир-бирига яқинлаштирмоқда. Жаҳоншумул ва регионал даражада тинчлик учун курашишнинг узоқ муддатга мўлжалланган амалий программасини, халқаро хавфсизлик учун, яқинда озодликка эришган давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун кураш программасини ишлаб чиқиш ҳозирги даврнинг асосий талабидир.

Умумҳиндистон тинчлик ва бирдамлик ташкилотининг ҳамраиси Чандражит Ядав совет делегациясини табриклаб, Осиё ва Африка мамлакатлари билан бирдамлик ташкилотининг ҳозирги конгрессига алоҳида аҳамият берилаётганини таъкидлади. Осиё ва Африка тинчликсевар кучлари фаолиятининг янги концепцияларини ва устун йўналишларини белгилаб бериши лозим бўлган конресс СССР билан Ҳиндистон раҳбарлари халқаро муносабатларни янгича тафаккур принциплари асосида қайта қуришнинг боришини кўп жиҳатдан белгилаб берган тарихий Деҳли декларациясини имзолаганликларининг икки йиллигини жаҳон жамоатчилиги кенг нишонлашга тайёргарлик кўраётган унутилмас дамларда ўтмоқда.

С. ЛАТИШЕВ,
Г. ШМЕЛЕВ.

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИДА ҚАЙТА ҚУРИШГА ЭЪТИБОР СУСАЙТИРИЛМАСИН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда область партия комитетларининг қишлоқ хўжалик масалаларига раҳбарлик қилувчи секретарлари, Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитетининг, сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг ҳамда ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг раҳбарлари қатнашдилар.

Кузги-қишки тадбирларни муваффақиятли ўтказиш, агросаноат комплексида маҳсулот етиштиришни янада кўпайтириш ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва барча коммунистларнинг ташкилий иши даражасини оширишга асосий эътибор қаратилди. Колхоз ва совхозларда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида ижара пудратини кенг жорий этиш, республика район агросаноат бирлашмаларининг фаолиятини қайта қуриш муаммолари ҳам кўриб чиқилди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Д. Д. Берков нутқ сўзлади.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, республика Агросаноат давлат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Н. Г. Неделькин иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ОБ-ҲАВО ВА ДЕҲҚОНЧИЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ МАРКАЗИДАН

Ноябрнинг иккинчи ўн кунлигида республика далаларида пахта йиғим-терими поёнига етди. Мавсум якунланган районларда пайкалларни ғўзапоядан тозалаш ва шудгорлаш бошлаб юборилди. Фарғона водийсида ёғингарчилик бўлмади, шу боисдан бу ерда йиғим-терим давом эттирилди. Сурхондарё областида ҳам ёғингарчилик кам тушди. Республиканинг бошқа қисмида 14—15 ноябрь куни 3—10 миллиметр, Қорақалпоғистон АССРда 11—20 миллиметр ёғингарчилик бўлди. Бу эса 1—3 кун мобайнида даладаги юмушларни қийинлаштирди.

Бедазорларда бешинчи, олтинчи ўримлар қулай шароитларда ўтказилди. Ой ўртасида республиканинг аксарият қисмида юз берган ёғингарчилик ўрим ишларини бирмунча қийинлаштирди.

Боғ ва токзорларда, сабзавот пайкалларида куз юмушлари амалга оширилди. Фақат Қорақалпоғистон АССРда 20 миллиметргача ёмғир ёғиши бу ишларни тўхтатиб қўйди.

Республикада кузги дон экиш қулай шароитда якунланди. Ҳароратнинг 8—13 даража (нормадан 3—6 даража юқори) бўлиши кузги экинларнинг яхши ривожланишига имкон берди. Бироқ далалмн ерларда нам запаси деярли йўқ эди, шу боисдан уруғлар униб чиқмади. 14—15 ноябрь кунлари Тошкент, Сирдарё областларида бўлиб ўтган ёғингарчилик аҳволни бирмунча ўнглади, жойларда уруғнинг униб чиқиши, кўкарган ниҳолларда эса учинчи барг пайдо бўлиши кузатилди. Ўсимлик бўйи 6—10 сантиметрга етди, ҳар квадрат метрда қариб 250 ниҳол ўсмоқда.

Ёғингарчилик оз бўлганлиги сабабли республиканинг аксарият яйловларида кўк ўтларнинг кузги ўсиши кузатилмади. Қизилқумнинг чекка шимоли ва шарқида ўн кун мобайнида 9—14 миллиметр, Уст-Юртда 33—34 миллиметр ёмғир ёғди. Бу эса яйловлардаги намликни яхшилади, кўкатлар ўса бошлади.

Ноябрнинг учинчи ўн кунлигида ҳавонинг ўртача ҳарорати одатдагидан 1—3 даража юқори, жанубда 5—9 даража, шимолда 2—5 даража иссиқ бўлади.

Ҳароратнинг илиқ келиши, ёғингарчилик бўлмаслиги қишлоқ хўжалиги ишларини давом эттириш, чорвани боқиш учун қулай шароит яратади. Тупроқда нам тақчиллиги сабабли баҳорикор ерларда уруғларнинг ривожланиши қийинлашади.

И. УМНОВА,
агрометеоролог.

КОНГРЕСС ИШ БОШЛАДИ

ДЕҲЛИ, 24 ноябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун пойтахтдаги «Фан саройи»да Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти (ОАХБТ) VII конгрессининг тантанали очилиш маросими бўлди. Саройнинг байрамлардагидек безатилган залида дунёдаги 85 мамлакатдан келган 300 нафардан ортиқ делегатлар, шу жумладан, 15 та халқаро ва регионал ташкилотнинг вакиллари тўпландилар. Африка — Осиё бирдамлигининг зал ўртасига ўрнатилган эмблемасида ёниб турган машъалани ушлаган қора ва сариқ қўллар, шодлик ва ишонч рамзи бўлган камалакнинг ярим доираси тасвирланган.

Ҳиндистон Бош министри Ражив Ганди конгресс қатнашчиларига мурожаат қилиб, нутқ сўзлайди. Ҳинд халқи,— деди у,— Африка— Осиё бирдамлигининг шу қадар мўътабар анжумани Ҳиндистон ерида биринчи марта ўтказилиши муносабати билан зўр мамнуният туйғуларини ҳис этмоқда. Тинчликни ва халқаро хавфсизликни сақлаб қолиш ҳозирги вақтда инсоният олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир, деб таъкидлади Р. Ганди. «Ядро қуролининг тугатилиши жаҳонда янги иқтисодий тартиб ўрнатиш учун ғоят муҳим аҳамиятга эгадир, — деб уқтирди Бош министр. — Ҳарбий мақсадларга тараққиёт мақсадларига нисбатан 20 баравар кўп маблағ сарфланаётган экан, жаҳон ишларига оқилона ёндашиш тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин? Дунёда иқтисодий соҳада ва ахборот соҳасида тинч-тотув яшаш принципларига асосланган янги тартиб ўрнатиш зарур».

Совет Иттифоқининг Афғонистондаги қўшинларини олиб чиқиб кетишга қарор берганлиги, Женева битимлари ана шу мамлакатдаги вазиятни тинч бартараф этиш шартларини белгилаб берди, бироқ ташқи кучлар эришилган аҳдномаларни бузишни давом эттирмоқда ва миллий яраш жараёнига тўсқинлик қилмоқда, деди Р. Ганди. Кампучия халқига қарши Пол Пот режими ўтказиб келган геноцид сиёсатига Вьетнамнинг ёрдами билан чек қўйилди. Биз тинчлик ва миллий тотувликка эришиш йўлида ҳозир олиб борилаётган музокараларни табриклаймиз. Р. Ганди мустамлакачилик, ирқчилик ва апартеид қолдиқларини тугатиш учун курашни кучайтириш зарурлигини ҳам таъкидлаб ўтди. Тараққийпарвар кучлар мустақил Фаластин давлати эълон қилинганлигини табрикламоқдалар, деди Бош министр. ОАХБТ дунёда юз бераётган жадал ўзгаришларга тез ва пухта фикр билдириши керак, деди пировардида Р. Ганди.

Совет делегациясининг раҳбари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов ялпи мажлисда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси М. С. Горбачевнинг Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти VII конгрессига табрикномасини ўқиб эшитирди, конгресс қатнашчилари табрикномани қизғин кутиб олдилар. Совет раҳбарининг мактубида, жумладан, бундай дейилади: «Совет Иттифоқининг ядросиз ва зўравонликсиз дунёни барпо этишга, регионал можароларни бартараф қилишга, халқаро сиёсий ва иқтисодий хавфсизлик системасини вужудга келтиришга, халқаро муносабатларни демократиялашга қаратилган сиёсий йўли Осиё ва Африка халқларининг манфаатларига тўла мос келади. Биз бунга ривожланаётган мамлакатлар, бутун жаҳон ҳамжамияти билан мустаҳкам ҳамкорликда эришиш учун ҳаракат қилаверамиз».

Р. Н. Нишонов ўз нутқида бу анжуман Осиё ва Африка халқлари босиб ўтган йўлни чуқур ва ўз ўзини танқид руҳида таҳлил қилишга, империалистик эксплуатация ва зўравонликка қарши курашда бу халқларнинг бирдамлигини мустаҳкамлашга, озод бўлган мамлакатларнинг жаҳон муаммоларини ҳал этишда тағин ҳам фаолроқ иштирок этишларига кўмаклашишга имкон беришини таъкидлади. ОАХБТ стратегияси янгича сиёсий тафаккур негизига қурилиши лозим. Хўжалик соҳасидаги қолоқликни тугатиш, қашшоқлик ва касалликларни йўқ қилишнинг самарали йўлларини қидиришни кучайтириш зарур. қолоқликни, қашшоқлик ва касалликларни тугатиш пировард натижада иқтисодий хавфсизлик системасини барпо этишни, учинчи дунё мамлакатлари аҳолисининг турмуши учун нормал шароит яратишни билдиради, деб уқтирди совет делегациясининг бошлиғи.

Ўзаро боғлиқ бўлган дунёнинг ҳозирги реалликлари Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотидан, деб давом этди Р. Н. Нишонов, ядро уруши хавфига қарши, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва бўшаб қолган ресурслардан тараққиёт манфаатларини кўзлаб фойдаланиш, регионал можароларни бартараф этиш, кескинлик ўчоқларини тугатиш учун курашни кучайтиришни қатъият билан талаб қилади. Шу боисдан ҳам икки йил муқаддам СССР билан Ҳиндистон раҳбарлари шу ерда имзолаган Деҳли декларацияси қоидалари алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Декларация ядро қуроллари ва зўравонликдан ҳоли бўлган дунёни барпо этиш принципларини белгилаб берганди. «Ривожланиш учун қуролсизланиш» шиори нақадар тез ва самарали амалга оширилиши кўп жиҳатдан ОАХБТга боғлиқ.

Совет делегациясининг бошлиғи халқаро тинчликни мустаҳкамлашда Афғонистонга доир Женева битимлари, Эрон — Ироқ фронтида ўт очишнинг тўхтатилиши, Кампучия теварагидаги аҳволни нормаллаштиришдаги ижобий силжишлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳам уқтирди. М. С. Горбачев буидан икки йил олдин Владивостокда баён қилиб берган Умумосиё хавфсизлигининг кенг кўламли программаси СССРнинг Осиё — Тинч океан регионида тинч-тотув яшаш, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ғояларини амалга оширишга астойдил интилишини ифодалайди. Тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашнинг совет концепцияси рўёбга чиқарилиши Осиё ва Африка халқлари тақдирида туб бурилиш қилишга имконият яратади, деди пировардида Р. Н. Нишонов.

Ялпи мажлисда Жанубий Африка африкаликлар миллий конгресси, ВСР ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари ҳам сўзга чиқдилар.

Конгресс эртага яна ўз ишини бошлайди ва у 28 ноябргача давом этади.

ҒОЯВИЙ ЕТУКЛИК УЧУН

ХЎЖАОБОД РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Ҳар қандай янгилик, тараққиёт курашларда рўёбга чиқади. Қайта қуриш ҳаётимизнинг барча қирраларида тобора барқарорлашмоқда, соғлом руҳиятни юзага келтирмоқда. Эндиликда мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий, маънавий ривожланишнинг аниқ программаси асосида одим ташлаётганлиги аён. Энг муҳими — меҳнаткаш омманинг партияга ишончи ва эътиқоди кучаймоқда. Яна бир қувончли томони шундаки, деҳқондан тортиб олимгача, оддий коммунистдан тортиб райкомнинг биринчи котибигача қайта қуришдаги ўз ўрнини, бурчини тўла ҳис қилишга интилмоқда. Эндиликда ҳар қандай масалани одилона баҳолаш, мақбул ечим топиш ҳар бир коммунистдан ғоявий-сиёсий етукликни талаб этмоқда. Хўжаобод район XXIX партия конференцияси делегатлари ўз нутқларини кўпроқ шу нуқтаи назарга қаратдилар. Бу анжуманга ишчанлик руҳини бахш этди.

Делегатларнинг ҳолатига, руҳиятига назар солган киши уларнинг ниманидир мушоҳада қилишаётганини, дилдагини тилга чиқармоқчи эканликларини сезиб олиши қийин эмас. Ҳар бирининг юрагида бир дунё гап бор. Олдинги қаторларнинг бирида ёнимда ўтирган йигит қоғозга нималарнидир ёзаяпти. Танишдим. У Абдулла Набиев номли колхоз механизатори, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегати Салойдин Бойбўтаев экан.

— Сўзга чиқмоқчимисиз?

— Албатта чиқаман.

— Нималар ҳақида гапирмоқчисиз?

— Техникага эътиборсизлик, пахтачиликда районимизнинг орқага чекинаётгани, қантариф қўйилган терим машиналари хусусида гапираман. РАПО раҳбарлари ҳам, район партия комитети ҳам бу масалада пассив йўл тутмоқдалар.

Салойдин ишчи президиумига сайланганлиги сабабли суҳбатимиз чала қолди. Делегатлар район партия комитетининг биринчи секретари С. Ашуровнинг «Район партия комитетининг КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш юзасидан олиб бораётган ишлари ҳақидаги ҳисоботи ва Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорлари асосида қайта қуришни чуқурлаштириш бўйича вазифалари ҳақида»ги докладини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Қайта қуриш ғоялари ва амалий ишлар таъсирида ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, умуман бутун район меҳнаткашларининг куч-қудрати, фаоллиги ўсмоқда. Меҳнаткашлар қайта қуриш муваффақиятига ишонч ҳосил қилдилар ва уни чуқурлаштириш учун курашмоқдалар. Докладда ижтимоий, иқтисодий ва маънавий янгиланишнинг жуда кўп қирралари қамраб олинди, таҳлил қилинди ва баҳоланди. Нотиқлар эса унинг кемтик ва саёз жойларини тўлдирдилар, чуқурлаштирдилар.

Сўзга чиққанларнинг айримлари ўз ишларидан ҳисоб бериб, пировардида расмият учун таклифлар билдиришди. Бу турғунлик даврининг шунчаки эл қатори сўзга чиқиш одатини эслатади. Яна баъзи нотиқлар ўз дарду ҳасратлари қобиғидан чиқиб кетолмадилар. Уларнинг фикрларидан бамисоли қишлоқда қурилаётган янги уй лойиҳасини ҳам, жиҳозланишини ҳам, ошхона қаергаю дарсхона қаерга жойлаштирилишини ҳам район партия комитети ҳал қилиб бериши керак, деганга ўхшаш оҳанг сезилди. Лекин кўпчилик нутқида ғоявий-сиёсий тушунчанинг ҳозирги давр руҳиятига монандлиги: сўз, иш, эътиқод бирлигининг умумий манфаатларга қай даражада мос тушаётганлиги таҳлил этилди.

— Партия, уруш ва меҳнат ветеранлари ғоявий-сиёсий етукликда ҳамиша ёшларга ибрат бўлишга, мураббийчилик қилишга ҳаракат қилаяптилар, — деди ўз сўзида район йўл қурилиши ва ремонт қилиш идораси бошлиғи, район ветеранлар кенгаши раиси М. Исматов. — Лекин ёшларни ҳар томонлама чиниқтириш, ахлоқий пок қилиб тарбиялашда кекса авлод вакиллари ҳамма вақт ҳам етарли иш олиб боришмаётир. Кейинги йилларда жиноятлар содир этиш, ёш оилаларнинг бузилиб кетиши, ўз жонига қасд қилишлар бирмунча кўпайди. Бу ёшлар билан ишлаш сусайтириб юборилганини кўрсатади. Икки ёш кўз олдимизда оилани бузиб, ажралиб кетаяпти. Биз эса томошабин бўлиб турибмиз.

1-техника ремонти ва инженерлик хизмати бошланғич партия ташкилотининг секретари К. Усмонов райком шаънига ҳақли эътироздар билдирди.

— Бевосита саноат билан шуғулланувчи райком секретари ўртоқ В. Трушкин идорамизга ҳали боргани йўқ. Ишчиларимиз у кишини танишмайди. Йиғилишга таклиф қилинган вакиллар ўз вақтида келишмайди. Райком аъзоларининг кўпчилиги фақатгина йиғилишларда қатнашиш билан чегаралана-ди, холос.

Володарский номли тикувчилик фабрикаси Хўжаобод филиали директори Р. Мустафоева аёлларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларига тўхталиб, шундай деди:

— Далада ишлаётган аёллар меҳнатдан сўнг яхши ҳордиқ чиқариш имкониятига эга эмаслар. Натижада уларда дармонсизлик, камқонлик касали кучаймоқда, фарзандлари касалманд бўлиб туғилмоқда.

— Қайта қуришни ҳар ким ўзидан бошлаши керак, деяпмизу лекин минбарлардан туриб айтилган чиройли гаплар шу ернинг ўзида қолиб кетаяпти, — деди Хўжаобод шаҳридаги 4-ўрта мактаб директори Р. Йўлдошев. — Партия аъзосининг виждони, эътиқоди, ҳалоллиги бугун синовдан ўтмоқда. Шундай экан, қайта қуриш олдида ҳар биримиз масъулмиз.

Киров номли агросаноат комбинати директорининг турмуш маданияти бўйича ўринбосари Қ. Ғаффорова райком аъзолари қайта қуриш ишларини изчил олиб боришмаётганлигини таққид қилди.

— Мен ҳам райком аъзоси сифатида ҳеч қандай топшириқ олаётганим йўқ ва ҳеч қаерда ҳисоб берган эмасман. Юқорида ҳақли таққид қилишганидек томошабинликдан нарига ўтолмаяпмиз.

Район халқ контроли комитетининг раиси Қ. Холқўлов раҳбар кадрларда ғоявий-сиёсий тушунча давр талаби даражасида эмаслигини очиниш билан қайд этди. Амалдаги йилнинг ўзида хато ва камчиликларга йўл қўйганларнинг 45 проценти коммунистлар эканлигини қандай изоҳлаш мумкин? Нотиқ жойларда партия ташкилотлари раҳбарлари назоратчиларга менсимай қараётганликларини айтди. Айрим раҳбарларнинг назоратчиларни истаган пайтда алмаштириб юборишларига чек қўйишни талаб этди. Район халқ контроли комитетига райкомнинг назорати ва ёрдами суст бўлаяпти. Йиғилишларга таклиф қилинган райкомнинг бўлим мудирлари ҳар доим ҳам келишавермайди.

Конференция ишчанлик руҳида ўтди. Ҳисобот докладида ҳам, музокарада қатнашган делегатларнинг нутқларида ҳам асосий диққат-эътибор партиямизнинг бош йўли — ленинча демократик принциплар қарор топаётганига, ошкоралик тобора кучайиб бораётганлигига қаратилди. Ҳар бир фикр, хулоса муҳокамага қўйилган масалани ойдинлаштиришга, тўлдиришга хизмат қилди.

Бу галги конференциянинг ўзига хослиги шунда бўлдики, сўзга чиққан делегатларнинг кўпчилиги қоғозга туширилган жумлаларни ўқиб бергани йўқ. Кўнгилдаги гаплар эркин, ошкора баён этилди. Чуқур таҳлил, изчил таққид сезилиб турди, долзарб таклифлар ўртага ташланди. «Ўзбекистон» колхози правлениеси раиси Қ. Маматов, Кулла қишлоқ Совети ижроия комитети раиси О. Раззоқова, район халқ маорифи бўлими мудири М. Носиров, район ички ишлар бўлими бошлиғининг сиёсий-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Р. Отахонов, «Правда» колхози сигирсоғари О. Холбоева, Калинин номли совхоз бўлим бошқарувчиси К. Сойназаров, «Ленинград» колхози бригада бошлиғи М. Иброҳимова, район ҳарбий комиссари А. Губанов, «Коммуна» совхози партия комитети секретари Р. Абдукаримов ва бошқалар қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш, идеология ва сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш, бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини ошириш каби масалаларни илгари сурдилар. Хато ва камчиликлар хаспўшланмади. Район партия комитети, унинг бўлимлари, бошланғич партия ташкилотлари, раҳбар кадрлар, айрим коммунистлар шаънига айтилган таққид рўй-рост тан олинди, камчиликларни бартараф этиш йўллари қидирилди. Кўпгина соҳалардаги жумбоқларни ижобий ҳал қилиш имкони кўрилди. Докладчи ва нотиқларнинг фикрлари бир нуқтада умумлашди: ғоявий-сиёсий етукликка интилиш, онг ва маънавиятни янгилаш заруратдир. Ҳар бир меҳнаткаш партия сиёсатини чуқур ҳис этиб, уни ақлан қабул қилгандагина муваффақиятга эришиш мумкин. Муҳими — район коммунистлари анжуманида Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси руҳи яққол сезилиб турди.

А. ҚОРАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

САРКОР

ЛАВҲА

Шошиб тамадди қилган Маматқул ака дўпписини бошига қўндирганча далага йўл олди. «Нима бўлсаям бугун табриклаганим яхши», — дилидан ўтказди у.

— Ассалому алайкум, Маматқул ака.

Хаёл билан бўлиб рўпарадан келаётган қўшниси Абдуҳакимни пайқамабди.

— Ваалайкум ассалом. Яхшимисиз, қўшни?

— Раҳмат. Қаёққа шошилаяпсиз?

— Далага, Юсуфнинг олдига. Ҳозир йиғилишдан келдим. Мавсумда яхши ишлаганлар қаторида ўзимизнинг Юсуфни ҳам айтиб ўтишди. Мукофотга Японияга ишлаб чиқарилган катта магнитафон беришмоқчи. Табриклагани кетаяпман.

— Қоронғи тушиб қолди, эрталаб табрикласангиз ҳам бўларди, деганим билан барибир қайтмайдиган кўринасиз, — ҳазил аралаш сўз қотди Абдуҳаким ака. — Менинг номимдан ҳам табриклаб қўйинг.

— Хўп, омон бўлинг.

Бригадир йўлда давом этаркан хушхабарни эшитган механизаторнинг қандай хурсанд бўлишини кўз олдига келтириб жилмайиб қўйди. «Ҳа, муносиб йигит, — ўйлаб борарди у. — Чигитни ўзи экди, ишловни ҳам жойига қўйди. 170 тонна пахта тераман деб берган ваъдасини ўн тонна зиёдаси билан бажарди. Энди ўзи шудгор қилаяпти. Бир меҳнаткаш йигит бўлса Юсуфдек бўларда!»

Катта йўлни кесиб ўтиб, кечагина ғўзапоядан тозаланган майдонга яқинлашди. Пайкал четида шом қоронғисида ер ҳайдаётган тракторнинг тунги чироқлари кўзга ташланарди...

Маматқул Абдураҳимов — Янгийўл районидаги «СССР 60 йиллиги» колхозининг 3-бригадаси бошлиғи. Уни колхоз аҳли нафақат илғор коллектив саркори, балки суяги меҳнатда қотган оддий, камтар, камсуқум инсон сифатида ҳурмат қилишади. Эл-юрт олқишига сазовор бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун ўзгалар ташвишини ўз ташвиши санаб, йиллар давомида ҳалол меҳнат қилиш лозим.

Маматқул ака бошлиқ бригада бу йил ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштирди. Районда учинчи, колхозда биринчи бўлиб зафар марраси-ни забт этди. План саноқли кунлар ичида бажарилди. 74 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 28,5 ўрнига 36,4 центнердан ҳосил олиниб, Ватан хирмонига мўлжалдаги 210 ўрнига 266 тонна оқ олтин ҳадя этилди. Ҳом ашёнинг деярли ҳаммаси юқори сортларга топширилди. Шоҳида Алиқулова, Салима Эгамова, Анор Суярова, Абдуғани Сафаров сингари кўпмингкилограммчилар мавсумда алоҳида намуна бўлдилар.

«Самарқанд» маҳалласи пиру бадавлат хонадонлари, сергайрат ёшлари, фидойи заҳматкашлари билан ҳам колхозда донг таратган. Маматқул ака ҳам шу ерда истиқомат қилади. Маҳалла кўҳна ва азим Самарқанд номи билан аталишининг боиси бор: бу ерда 50-йилларнинг бошида Ғаллаорол, Пайариқ, Иштихон ва бошқа районлардан келишган одамлар ер очиб, деҳқончилик қила бошлашган. Маматқул ака ҳам биринчи бўлиб келганлардан.

— Ўша пайтлар сиз кўриб турган мана шу кўркам қишлоқ ўрни кимсасиз тўқайзор эди, — деб эслайди у. — Дастлаб 10 га яқин хонадон бор эди. Бугунги кунда 100 дан ортиқ оила истиқомат қилаяпти.

Бригада бошлиғи — коллектив раҳбари, коллектив эса оиладек гап. Ўзаро иноқ, баҳамжиҳат оилада доимо қут-барака бўлади. Бинобарин унга бош бўлиш зиммага катта масъулият ҳам юклайди.

— Деҳқон бугунги кунга келиб ўзини анча эркин ҳис қилаяпти, — дейди Маматқул ака. — Тўғри-да, ҳар ким ўзи тер тўккан ернинг соҳиби бўлиши керак. Фойдаси ҳам, зиёни ҳам ўзиники. Турмушимиз йил сайин ўзгараяпти. Фақат маҳалламиз хонадонларига газ келтирилишини анчадан буён кутаяпмиз. Биздан бир ярим километрча нарида жойлашган қўшни «Ленинизм» колхозига, ёнгинамиздаги 5-бригада хонадонларига ҳам табиий газ олиб келинган. Биз ҳам шундай қулайликдан тезроқ баҳраманд бўлсак деймиз.

Қарийб ўттиз йилдан буён замин билан тиллашиб келаётган саркор ҳаёти унутиб бўлмас қувончли воқеаларга бой. Айниқса, шонли Ленин партияси сафига қабул қилинган кунни эслаб тўлқинланиб юради. 1965 йил. Ўшанда Маматқул бригадада табелчи бўлиб ишларди. Коммунистлар йиғилишидан қувончи қўксига сиғмай уйига қайтганида оила аъзолари, ёр-биродарлари тўпланишиб, уни қутлашгани ҳалиҳали кўз олдида. Бир-икки йил ўтгач бригадага бошлиқ қилиб сайлашди. Шундан буён коллектив ҳар йили зиммасидаги планни бажариб, пешқадамлар сафидан тушмай келаётганининг ўзиёқ коммунист етакчи ҳаётида ёркин, унутилмас онлар сероб эканидан далолат.

Ш. УМИРОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.



Жиззахдаги пластмасса буюмлари заводи коллективи полиэтилен плёнкалар, қувурлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Корхонада кенг истеъмол моллари цехи ҳам ташкил этилган. Бу ерда ҳозирги пайтда 32 хил буюм тайёрланаяпти. Цех ишчи-хизматчилари маҳсулот ҳажмини ошириш билан бирга унинг сифатини янада яхшилашга алоҳида эътибор бераяптилар. Яқинда саккиз хил маҳсулот «Янгилик» белгиси билан тайёрлана бошлади.

СУРАТДА: коммунистик меҳнат зарбдори Бозоргул Холматова.

Ш. ТЎРАЕВ фотоси.

ИҚТИСОДИЙ МАВЗУДА СУҲБАТ

ИЖАРА ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

«Давлат сектори нега мудрамоқда!» деган мақолада («Аргументы и факты», 43-сон) кооперация тўғрисидаги қонуннинг асосий принциплари корхоналарга ёйилганидан кейин давлат сектори уйғониши мумкинлиги ҳақида гап борган эди. Бу вазифа ижара пудратига ўтилгач, яхши даражада ҳал этилади. Уни қай тарзда йўлга қўйиш мумкин, бу йўлда қандай қийинчиликлар бор? СССР Фанлар академияси мухбир аъзоси П. Т. БУНИЧ билан «Аргументы и факты»нинг мухбири Н. ЖЕЛНОРОВА ўртасида суҳбат ана шундай мавзуда борди.

МУХБИР. Павел Григорьевич ижара пудратига амалий жиҳатдан қандай ўтиш мумкинлиги хусусида гапириб берсангиз. Менга шу нарса аёнки, кўпчилик бу соҳада ёрдам беришни сўраб бевосита сизга мурожаат этаяпти. Ваҳоланки, сиз бармоқ билан санарли одамларгагина амалда ёрдам кўрсатишингиз мумкин. Шундай экан, «Аргументы и факты» орқали ҳаммага бир йўла маслаҳат бера қолсангиз, яхши бўлар балки.

БУНИЧ. Кооперацияга асосий фондларни ҳеч ким ҳадя этмайди, у ҳар дона мих, стул, станок, бино учун ўз ҳамёнидан пул тўлайди. Шунинг учун ҳам фақат керагини сотиб олади.

Давлат корхонаси-чи? Унинг асосий фондлари қаердан пайдо бўлган? Бундай фондларни халқ яратган ҳамда меҳнат коллективига фойдаланиш учун бериб қўйган. Ижарага қандай ўтиш мумкин? Гапни ижара тўловлари ҳажмини белгилашдан бошлай қолай. Мен, айтайлик, омонатлар банкига пул қўяман ва бунинг эвазига ўз пулимнигина эмас, балки улар устидаги процентни ҳам олишни истайман. Энди ўзимизни давлат ўрнига қўйиб кўрайлик: у ижарага корхонани беради ҳамда эвазига унинг баҳосини (фондлардан фойдаланилгани учун) ва фойдадан процентлар олишни истайди. Бинобарин, ижара ҳақига асосий фондлардан фойдаланиш баҳоси ҳамда фойданинг бир қисми кириши лозим. Ўшанда коллектив даромади ишлаб топилган ҳисобланади.

Бюджетга тўловлар миқдорида (у ҳар бир корхонада бор) асосий фондлар учун ҳақ бўлади. Бироқ бу ҳали ижара проценти эмас. Ҳақ ҳамма нарсадан: давлат бюджети маблағлари ҳисобига қурилган фондлардан ҳам, ўз ҳисобига қурилган, ҳатто кредит эвазига яратилган фондлардан ҳам олинади. Кредит тўланаётганда процентлар қўшиладики, бу ҳол икки томонлама харажатга олиб келади. Қоидага кўра фондлар учун ҳақ 6 процентни ташкил этади, ижара проценти эса талаб ва таклифга боғлиқ равишда турлича: шериклар (давлат ва ижарачилар) қандай қарор қилишса, ўшандай бўлади.

МУХБИР. Ижара муддатлари ҳақида жуда кўп баҳс қилишаяпти. У муддатсиз бўлиши ҳам мумкинми?

БУНИЧ. Мумкин. Агар автомашина 5—7 йил муддатга берилса, демак, у умрининг охиригача, яъни мазкур объект нуқтаи назаридан қараганда ижарага муддатсиз топширилган ҳисобланади. Борди-ю истиқболли корхона, ер берилгудек бўлса, у ҳолда муддатсиз ижара аниқ кўрсатилиши керак. Бунда ижарага олувчи дарҳол, молиявий транзит «кўчириш»сиз амортизация учун ҳақни ижарачи томонида қолдиради: ишлаб чиқаришнинг ижарага олинган воситаларини доимий равишда ишга қодир ҳолда сақлаб туриш ҳақида келишиб олинади.

Ижарага ер берилса (жумладан саноат корхоналарига ҳам), ижара ҳақига дифференциал рента, шунингдек, абсолют рентани ҳам киритиш керак. Бундан мақсад ёмон ерларга ҳам ҳақ тўлашдир.

МУХБИР. Ижара ҳамда ижара пудрати ўртасидаги фарқ нимадан иборат?

БУНИЧ. Ижара — мулкий ёллаш. Бичиқчи келади-да, тикув машинасини ижарага олиш истагини билдиради. У сизга ижара учун ҳақ тўлайди.

Агар корхона бирон-бир шарт қўйдиган бўлса ёки давлат шартнома шартларида қандайдир фойда кўрса, у ҳолда пудратни расмийлаштиришни таклиф этади. Шериклар ижара билан ҳам, пудрат билан ҳам боғлансалар, демак, ижара пудрати намоён бўлади.

МУХБИР. Агар коллективлар ижарани тўлашдан ташқари ўз корхоналарини бутунлай сотиб олсалар-чи?

БУНИЧ. «АвтоВАЗ», авиация корхонасини сотиб олишларини тасаввур қилмайман. Бунинг учун маблағ жамғариш осон эмас. Бироқ унча катта бўлмаган кўпгина корхоналарни сотиб олишаяпти (ҳеч чўчимай). Меҳнат коллективи унинг эгаси бўлиб қолаяпти. Ҳатто АҚШ, ГФР сингари акционерлик иш шакллари ривожланган мамлакатларда ҳам ишчиларнинг акционерлик капиталидаги ҳиссаси жуда оз. АҚШдаги кўпдан-кўп корхоналардан мингга яқинигина ишчилар сотиб олишган.

МУХБИР: Менга маълумки, инетрукциялар фойдаси яққол кўриниб турган иш йўлига тўсиқ бўлаяпти. Масалан, Фрунзе номли Суми илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси (22 минг киши ишлайди) ижарага ўтди. Бироқ бунга эришиш осон бўлмади: қанчадан-қанча асаблар бузилди.

БУНИЧ. Ҳа, сумиликлар СССР Министрлар Советининг бошқарув, планлаштириш ва хўжалик механизмини такомиллаштириш бўйича комиссиясига биринчилар қатори бош суқдилар. Бош директор ўринбосари Б. Москаленко, унинг ходимлари Москвага бир неча маротаба бориб-келишга мажбур бўлдилар (бунинг учун улар қанча соғлиқларидан ажралганликларини ҳисоблаш қийин). М. С. Горбачев сумиликларнинг ижарага ўтиб ишлаш истаги борлиги ҳақида икки маротаба гапирди. Агар у шундай қилмаганида, эҳтимол, бундай таклиф умуман қараб чиқилмаган бўлармиди.

Яқинда мазкур комиссия Суми корхонасини ижарага ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Бироқ «эслатмалар» хўжалик ҳисобининг нормативсиз моделини таъминлагани йўқ. Эслатиб ўтаман: нормативсиз модель корхоналарга иш ҳақи ва рағбатлантириш фондини ўзи белгилаш ҳуқуқини беради. Давлат корхонаси тўғрисидаги қонунда фақат иккита норматив модель кўзда тутилган. Шунинг учун ҳам баъзи ҳолларда нормативсиз моделни учинчи деб аташади. Бироқ бу одам ҳам уч моделда: чалажон, ўртача ва тирик бўлади, деган гапга ўхшаш бир нарса. Чунки норматив моделлар баъзи корхоналарни қийин-қистовга олиб азоб берса, бошқаларини бағрига босиб эркалайди. Фақат нормативсиз моделгина ўзинийўзи маблағ билан таъминлаш, яъни хўжалик ҳисоби деб аталиши мумкин. Қатъий қилиб айтадиган бўлсак, норматив хўжалик ҳисоби мумкин бўлмаган нарсаларни бир-бирига ёпиштиришга уринишдир, бу умуман иқтисодий категория эмас.

Демак, ҳозирча сумиликлар ҳам ҳақиқий ижарага ўтишмаган. Нима учун шундай? Корхона ишлаб чиқариш фондларини «кемириб» қўяди, деб чўчиашяпти. Ўтган суҳбатимда мен солиқлар системаси йўли билан бундан қутулиш мумкинлиги ҳақида гапирган эдим. Назаримда, кучли даражада таъсир этувчи бўлиб кўринаётган яна бир воситани қўшимча қилмоқчиман. Келинг, жамғармаларни шахсий акциялар шаклида тўлашга ўтиб кўрайлик. Ўшанда ким жамғармаларга қарши чиқиши мумкин? Шунда «бегона»ники «ўзи»ники бўлиб қолади.

МУХБИР. Сизнинг дадил ғояларингиз «казармадаги» социализм тарафдорларига ёт бўлиб туюлиши аниқ...

БУНИЧ. Кўпчилик марксистлар (уларни «Маркс қавмининг поплари» деб аташган) социализмни ҳарбий коммунизм кўринишида талқин қилишганди. Бундай догмадан қутулиш осон эмас. Ленин партиядаги кўпчиликка қарши туришга ўзида жасорат топа олди. Ўшанда баъзи коммунистлар ўзларини отиб ташлашгани ҳақиқат. Ҳозир ҳам яна баъзилар партия билетларини ихтиёрий равишда топширмоқдалар. Чунки эндиликда қаёққа қарасанг, иш ошиб-тошиб ётибди: тер тўкиш керак.

МУХБИР: Ижарага асосан нималар тўсқинлик қилаяпти? Сизнинг ўзингиз шахсан қандай нарсаларга дуч келмоқдасиз?

БУНИЧ. Ижара ҳаётда муқим бўлиб қолиши учун унга йўл бермаётган кучлар бор. Ҳокимият тепасидаги (министрликлар, идоралар) турган бюрократлар уларнинг энг асосийси. Бундай кучлар қарорларни йўққа чиқаришаяпти, кейин эса яна жон киритмоқчи бўлишади. Ижарага рухсат бериш керакми-йўқми — буни министрликлар ҳал этишмоқда. Ижарадаги корхоналар қанча кўпайса, уларнинг министрликларга эҳтиёжи ҳам шунча камайиб бораверади, аниқроғи, бундай маҳкамаларни ўз ҳисобларидан сақлаб туришга ҳожат қолмайди. Аввалига ижарачилар министрликлардан керакли нарсаларни «сотиб» олишади, сўнгра эса албатта ҳаммасини тарозига солиб ўлчаб кўришади ҳамда фақат аниқ ёрдам берилсагина пул тўлашга рози бўлишади. Ижарага йўл бермаслик қийин, аммо бу ишни истаганча орқага чўзиш мумкин. Илтимосчилар чарчаб, ахийри ниятларидан воз кечмагунларича.

Бунинг устига идоралар ижара учун иккита инструкция жорий этдилар: «Ижара пудратини қўлланиш юзасидан муваққат тавсиялар» ҳамда «Асосий методик қоидалар». Ҳар иккала ҳужжатнинг бир-бирига зид томонлари бўлса ҳам ҳар қалай ҳозир амал қилинмоқда. Борди-ю сиз битта ҳужжатга мурожаат этсангиз, бошқасини пеш қилиб «тузатиб» қўйишади. Ишлаб чиқилаётган ижара тўғрисида қонун чамаси бундай номувофиқликка барҳам берса керак. Мазкур қонун ҳақиқий ижарани таъминлаши ниҳоятда муҳимдир.

Баъзи ҳолларда эса одамларнинг ўзлари ҳеч нарсани исташмайди. Кўп йиллик буйруқбозлик тузумида омилкорлик хусусияти деярли йўқолиб кетди. Уни қайта тиклаш — энг қийин муаммолардан бири. Чуқур ислоҳотгина бундай одамларни уйғотиши мумкин. Ижара эса чиндан ҳам чуқур ислоҳот ҳисобланади. У ҳеч кимни лоқайд қолдирмайди.

МУХБИР. Ижарага «яшил йўл» очиб қўйилган бўлса-да, рентабелли корхона унга ўтиши қийин. Нега шундай?

БУНИЧ. 1928 йилдан бўён бизда ижарага рухсат берилмай келди. У баъзи объектлар (турар жой ҳисобланмайдиган бинолар, анжомлар ва ҳоказолар)га нисбатангина қўлланиларди. Эндиликда муз кўчди, аммо ҳали эригани йўқ. Зарар кўраётган ишлаб чиқаришни ижарага беришга розилик бор (иқтисодий мўлжал шундай: дори-дармонлар касалларга яхши кор қилади, соғломлар, яъни юқори рентабелли корхоналарга эса бунинг ҳожати йўқ. Ахир, ростмана соғлом корхоналар қани? Агар ижара «чўкаётганларни қутқарса», у ҳолда барча корхоналарнинг яширин имкониятларини сафарбар қилишга қодир бўлмайдими).

Кейинги қадам майда ва ўрта корхоналарга ижарага рухсат берилганлиги бўлди. Фақат йирик корхоналар бундан мустасно. Нега? Жавоб йўқ... Ахир, корхоналар ўзларининг эмас, балки умумхалқ мулкидан фойдаланишади-ку Ҳамма ижарага энг зарур нарсаларни олишга (камроқ харажат қилиш учун) интилади. Сумиликларнинг қарори, ишончим комилки, йирик корхоналарнинг ижарага ўтиш йўлидаги тўсиқни бузиб ташлайди.

Ижаранинг умумий фойдасига яна бир далил. Агар меҳнаткаш ўз пулига керакли товарлар сотиб ололмаса, уни яхши ишлашга қизиқтириш қийин. Саноатни қурилиш қилмасдан туриб ўрнидан жилдириб бўлмайди ва аксинча. Демак, ижара — социалистик ишлаб чиқаришнинг умумий қонуни, барча давлат корхоналари, яъни катта ва кичик саноат, транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо, хизмат кўрсатиш корхоналарининг ишлаш принципидир.

МУХБИР. Айрим кишилар — айниқса қишлоқ хўжалигида — ижара пудратига ҳадиксираб қарамоқдалар. Бир тоифадаги одамлар бу иш билан қандай шуғулланишни билишмайди, бошқалар эса борди-ю улар «бойиб» кетадиган бўлишса, қулоқ сифатида айбдор қилиб қўйишларидан чўчишмоқда...

БУНИЧ. Назаримда, ҳеч нарса йўқотмайдиган киши бу ишга биринчи навбатда қўл уради. Шунинг учун кооперативларга таваккалчи, қизиққон ва умидсизланган, яъни сабр косаси тўлган кишилар киришдилар. Борди-ю одамда унинг йўқотадиган нарсаси бўлса, аввалига ҳаммасини ўлчаб кўради, эҳтиёткорроқ бўлади, ўйлайди, бироз кутишни маъқул кўради.

Нарх-наво ҳам ижара йўлига тўсиқ бўлмоқда. Масалан, аграр секторда ёмон ишлаётган хўжаликлар ўз маҳсулотларини давлатга қимматроқ, яхши ишлаётган хўжаликлар эса арзонроқ сотмоқдалар. Агар унисини ҳам, бунисини ҳам ижарага ўтказилгудек бўлса, яхши ишлаётганлар бундан кўпроқ жабр кўрадилар, нарх пастлигига қарши норозилик билдиришади. Ижара шунингдек таъминотнинг ўз вақтида бўлмаслиги ва лимитлаштирилганлиги, техника сифатининг ёмонлиги, ремонт имкониятлари етишмаслиги, бажарилган ишга ҳақ тўланишига ишончсизлик мавжудлиги учун ҳам обрўсизланмоқда. Мажбурий ва фойда келтирмайдиган давлат буюртмаси ҳам ишлаб чиқариш натижалари учун тўла моддий жавобгарликни ижара коллективларига юклашга йўл бермаяпти.

МУХБИР. Павел Григорьевич, сиз ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ташаббускорларидан бири бўлгансиз. Тўғри, ўшандаёқ уни расмиятчилик билан жорий этишга қарши фикр билдирган эдингиз. Аҳвол тахминлардан ҳам ёмон бўлиб чиқди. Ижара билан ҳам шунга ўхшаш ҳолат рўй бериб қолмасмикин?

БУНИЧ. Кўпгина ғоялар сафсатага айланиб қолмоқда. Ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш беш йилликка бўйсундирилган якка тартибдаги нормативлар бўйича олиб борилаётган экан, ундан нима кутиш мумкин! Ижара пудрати ҳам ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш дегани. Тўғрироғи, айнан ўзгинаси. Бироқ бу ишни алдам-қалдамликка айлантириб юборилган бўлса, бундан у чорасиз ҳолатга тушиб қолибди, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Ижаранинг афзалликлари шу қадар яққол кўриниб турибдики, одамлар қўзғалмасликлари мумкин эмас. Ижарани ривожлантириш анча мушкул, аммо усиз яшаш бундан ҳам қийинроқдир.

«АРГУМЕНТЫ И ФАКТЫ», 46 (423) сон.

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Сўнгги кунларда Озарбайжон ССР ва Арманистон ССРда вазият кескинлашди, арман ва озарбайжон миллатига мансуб кишилар ўртасида тўқнашувлар юз берди.

Бу воқеалар нормал ижтимоий турмушни, саноат ва транспорт, ўқув юртлари, соғлиқни сақлаш объектлари фаолиятини жиддий равишда қийинлаштирмоқда, аҳоли асабларига таъсир қилмоқда, одамларнинг бехавотир ишлашига ва яшашига йўл қўймаяпти, уларнинг хавфсизлигига таҳдид қилмоқда. Масъулиятсиз миллатчи унсурлар келтириб чиқарган можаролар регион экономикасига путур етказмоқда, унинг мамлакат бошқа районлари билан алоқасини бузмоқда, қардош халқлар ўртасидаги яхши қўшничилик негизларига зарар етказмоқда, гражданларнинг ҳақли ғазабини қўзғатмоқда.

Ана шуларнинг ҳаммаси ҳисобга олиниб, шунингдек, бу воқеаларнинг эҳтимол тутилган оғир оқибатлари олдини олиш мақсадида ҳуқуқ-тартибот ва осойишталикни таъминлаш учун тегишли чораларни кўриш зарур деб топилди. Бир қанча жойларда комендантлик соати жорий этилди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларига биноан:

Республика Агросаноат давлат комплексига раҳбарлик қилишга масъулиятсиз муносабатда бўлганлиги, давлат маблағлари талон-торож қилинишига, ўғирлик, порахўрлик, қўшиб ёзишлар кўпайишига сабаб бўлган ўзбошимча қарорлар қабул этилишида принципсизлик қилганлиги ва бунга йўл қўйиб берганлиги учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг собиқ ўринбосари Бектош Раҳимович **Раҳимов** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвонидан маҳрум этилди;

* * *

«Главсредазирсовхозстрой» бошлиғи бўлиб ишлаганида қурилиш ерларни комплекс ўзлаштириш қоидалари қўпол равишда бузилишига йўл қўйганлиги, мукофотланган киши сифатида ўз обрўсига путур етказган бошқа ноҳўя ишлар қилганлиги учун Нажим Раҳимович **Ҳамроев** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвонидан маҳрум этилди.

Миллатлараро муносабатлар ва алоқалар

УЙҒУРЛАР

I

Уйғурлар туркий халқлар оиласида энг қадимий халқ. «Уйғур деган атама эрамиздан олдинги III асрда, Урхун-Енисей ёзувларида эса VIII асрдан тилга олинган» (Ўзбек совет энциклопедияси, Тошкент, 1978, XI том, 508-бет).

«Искандар Зулқарнайн уйғурлар элига яқинлашганида 4.000 отли қўшин қарши чиққан, — деб ёзади улуғ қомусчи олим Маҳмуд Қошғарий. — Уларнинг (уйғурларнинг — О. Б.) қалпоқлари худди лочин қанотидек эди. Улар ўқ отишга жуда моҳир, олдиндан ҳам, орқадан ҳам отарлар. Зулқарнайн буларга ҳайрон бўлиб «Инон худ хўранд» —ўз овқатини топиб еювчи, бировларга муҳтож бўлмовчилар, деган. Чунки ов булардан қочиб қутула олмайди. Қачон хоҳласалар тутиб ейдилар. Сўнг ўлка Худ Хўр аталиб кетган. «Ху» «У»га алмашган, Удхўр бўлган. Сўнг яна ўзгарган. Уйғур бўлгандир» (Маҳмуд Қошғарий, «Туркий тиллар девони», Т., 1980, 1-том, 491-бет).

Хитойнинг қадимий тарихий манбаларида шундай ёзилган: «Уйғурлар эрамиздан III аср аввал Хитойнинг шимолида яшовчи қадимий халқдир. VI асрдан бошлаб уйғурлар расмий равишда қайд этилган» («Синьцзяннинг қисқача тарихи», Урумчи, 1982, 1-том, 228-бет).

Яна: «Юаньхи (Хитой хони)нинг 4-йили (мелодий 809 йил) уйғурлар элига элчи юбориб, миллатнинг номини «Шунқор каби парвоз этувчи» маъносида Уйғур деб атаганлар» («Тонгнома», 195-том, 309-бет).

Машҳур тарихнавис Абулғозий Баҳодирхон «Шажарайи Тарокима» асарида шундай ёзади: «Ўғизхон элларга уйғур деб ном берганлар. Уйғур дегани уюшиш, бир иттифоқ бўлиш демакдир».

Хитой тарихий ёдномаларида «Тонг сулоласининг Каюанъ (713—741) даврида Уйғур хондонлигини Қутлуғ буйла Билка қоғон бошқарарди, бу даврда уйғурлар 9 қабила (Еғлақор, Утурқор, Турламур, Бусосикур, Овачиг, Қосор, Қуғурсув, Буқтор, Оёвуз)дан бирлашган эдилар... Уйғур хондонлиги (741—840), Қужу-идиқут хонлиги (840—1250) даврларида Олтойдан то Манжуриягача, Гўби саҳросидан то Саян тоғларигача катта территориялар уйғурлар тасарруфида бўлганлар» деб қайд этилади.

Айтайлик, уйғур қоғонлари Мўюнчур (шафқатли қоғон), (741—763 йиллар), Пасо тегин (адолатли) (763—795 йиллар), Пан тегин (йироқни кўрувчи), (795—842 йиллар) уйғурларни бир иттифоққа келтириб, мустақил давлатларни бошқарганлар. Бу даврларда уйғур ёзуви давлат ёзуви сифатида кенг жорий этилган. Мазкур ёзувда яратилган бир қатор асарлар бизгача етиб келган. «Будда даври уйғур шеърияти», «Идиқут хонларининг тўҳфа мангу тоши», «Туво дуови», «Икки тегин ҳикояси», «Кивопшаем пусор», «Саккиз юкмак», «Овотамсо сутро», «Омитобо сутро», «Ўғузнома», «Чистони Эликбек» шулар жумласиндандир. Қадимий уйғур ёзуви пиктографик (расмлар шаклидаги ёзув), идеограмма (уруғ, қабила тамғалари маъносини англатувчи ёзув) деб ҳам номланади. Демак, Уйғур хондонлиги ўз ёзувига эга ва бошқариш системасини тиклай олган мустақил давлат қурган. Шуни қайд этиш керакки, Уйғур хондонлиги даврида Улуғ ипак йўли уйғурлар назоратида бўлган. Ғарб ва Шарқ савдо муносабатларида Уйғур хондонлиги бенизҳоя катта мавқега эга бўлган. Торим ҳавзасининг жанубий водийсидаги районлар орқали Эрон, Византия, Урта Осиё (Фарғона, Узган) билан қизғин савдосотиқ муносабатлари ўрнатилган, Ғарб ва Шарқ ўртасида иқтисодий-савдо алоқалари боғланган. Уйғур савдо карвонлари Россияга, Европага мунтазам қатнаб турган. Шу асосда маданий, адабий алоқалар тикланган.

В. В. Бартольд «Еттисув тарихи очерки»да шундай ёзади: «Қутадғу билик» достонида учрайдиган баъзи илмий терминлар мўғулча ишлатган терминларга ўхшаб кетади. Қорахонийлар ҳам, мўғуллар ҳам бу терминларни уйғурлардан қабул қилиб ўзлаштирганларки, бунга шубҳа йўқ. Шарқий Туркистоннинг Хитой билан чегарадош қисмида яшовчи туркий халқнинг бир бўлаги бўлган уйғурларнинг маданияти эрамизнинг V асрида юқори босқичга кўтарилган».

842 йили Енисей қирғизлари 100.000 отлиқ қўшини билан Уйғур хондонлигини тор-мор этганларида ҳам Ғарб ва Шарқ билан бўлган иқтисодий, маданий алоқалар тўхтамаган. Мағлубиятга учраган уйғурларнинг бир бўлаги Ганьсу ўлкасининг ғарбий қисмига кўчиб кетган. Кўчманчилар Ганьсу ўлкасида (847—1036), иккинчи қисми Шарқий Туркистонда, Турфон-Жунгария воҳасида (847—1369) мустақил уйғур давлатларини қурганлар.

Қорахонийлар даврида Шарқий Туркистондаги уйғурларнинг бир қисми Урта Осиёга — Еттисувга кўчиб келиб ўтроқлашган. Бу ўлкадаги қадимий туркий халқларнинг бир бўлаги бўлган уйғурлар асосан деҳқончилик, ҳунармандчилик, бир қисми боғдорчилик билан шуғулланган. Кулолчилик — сопол идишлар ясаш, тоқдан ҳар хил буюмлар ишлаш тараққий этган. Деҳқончиликда ибтидоий даврдаги ишлаб чиқариш қуролларидан фойдаланилган.

Минг йилдирки, Урта Осиё тарих кўрмаган қирғинликлар, жангу жадалларни бошдан кечирди. Асрлар оша бузилмаган моддий-маданий ёдгорликлар, осори атиқалар, ёдномалар йўқ қилинди.

Шарқий Туркистонга эса, 1755 йилда Хитой-Манжур босқинчилари тажовузкорона бостириб кирдилар. Цинь династиясининг жабру зулмини тортган уйғурлар эрк, озодлик, истиқбол йўлида кенг деҳқонлар қўзғолонини давом эттирдилар. Сабру таҳаммул косаси тўлиб-тошган халқ оёққа турди. Буғро ва Ҳимолай, Куаньлун ва Олтой этакларида озодликка ташна юракларнинг ларзакор наъраси янгради. Уйғурлар элининг ороминни пароканда этган бу наъра элни курашга отлантирди. 1824 йили Қашқарда Жаҳонгирхўжа, 1862 йилда Кучорда Рашиддинхонхўжа, 1864 йили Илида Абдурасулбек, Аъло полвонлар бошчилигида халқ озодлик ҳаракати ғалаба қилди. Ўша даврда тақозоси билан 1871 йилда Или районини чор Россияси қўшинлари истило этдилар. Улар ўз мавқеини 1881 йилгача мустаҳкам сақлаб турдилар. Ўша йилларда Или районининг иқтисодий, маданий ҳаёти анча яхшиланди. Таҳқирланган халқ эркин нафас олди, қаддини ростлади, моддий турмушини тартибга солди. Лекин 1881 йил март ойида Рус—Хитой Петербург шартномаси имзоланиб, Или райони Хитойга қайтариб берилди. Асрлар зулмини бошидан кечирган бу ер меҳнаткашлари Хитой тобелигидан Россияга кўчиб кетишни афзал кўрдилар. Петербург шартномасида халққа ихтиёр берилган эди. 1881 йил 15 сентябрдан 1883 йил 15 мартга қадар 11.835 уйғур оиласи ҳозирги Урта Осиё ҳамда Қозоғистонга кўчиб келди.

Уйғур оилалари ўзбеклар сингари кўп фарзандли эканликларини эътиборга олсак, қайд этилган 2.083 оиланинг ҳар бирида 4—5 жон ҳисоблаганимизда 10.000 жондан ошади. Бу сонни юқоридаги 45.375 жонга қўшсак, 55.000 дан зиёд уйғурлар Россияга кўчиб келган бўладилар.

Чор ҳукумати уларга ўзлари маъқул кўрган (асосан бўз) ерларда жойлашиш имкониятини берди. Меҳнаткаш халқ қишлоқ ва шаҳар типидаги посёлкаларни барпо этди. Оқсув, Дулото, Шунқор, Катман, Туғман, Панжим, Олтиўй, Чарин, Моливой, Қўром, Боисейт, Қайнуқ, Қаротўрук, Тоштиқаро, Полтибой, Байрамали, Қашқарқишлоқ, Ортуш, Уйғурсой, Уйғур қишлоқлари ва Ёрқанд шаҳри қад кўтарди.

Улуғ Октябрь инқилоби ғалаба қилганидан сўнг минглаб уйғур оилалари 1918—1920 йилларда аждодлари изидан СССРга кўчиб келишди. Айниқса 1955—1962 йилларда Шарқий Туркистондаги совет гражданлигига мансуб уйғурлар икки давлат келишимига асосан ёппасига кўчишлар давом этди. Урумчидаги СССР гражданлари жамияти орқали 886 оила, Қашқар СССР гражданлари жамияти орқали 925 оила, Тарбоғтой СССР гражданлари жамияти орқали 1.892 оила, Или-Қозоқ область СССР гражданлари жамияти орқали 25.619 оила СССРга кўчиб келди. Улар Урта

ҚАДИМУЛ АЙЁМДАН БУГУНГАЧА

Осиё ва Қозоғистон ССРнинг колхоз, совхозларига, бир қисми эса шаҳарларга жойлаштирилди. 1962 йилдан сўнг сиёсий бошпана излаб келганлар ҳам анча.

Маълумки, СССРда уйғурлар ниҳоятда тарқоқ ва нотекис жойлашган. Улар асосан Қозоғистон ССРнинг Ёрқанд, Уйғур, Челак районларида, Олмаота шаҳри ва унинг атрофидаги ерларда, Қирғизистон ССРнинг Фрунзе, Пржевальск, Ўш шаҳарлари, Қорасув районида, Ўзбекистон ССРнинг Тошкент шаҳри, Фарғона водийсида, Туркманистон ССРнинг Байрамали районида истиқомат қилишади. Бундан ташқари Хоразм область Қўшкўпир районидаги Уртаёп, Янгариқ районидаги Чиғирчи, Урганч районидаги Юқори Дўрмон, Қашқадарё область Яккабоғ районидаги Қайрағоч қишлоқ Советларида уйғур қишлоқлари, Қорақалпоғистон АССРдаги уйғур уруғи ва бошқа қатор этник қатламлар синчиклаб ўрганилса, уйғурларнинг узоқ даврларни ўз ичига олган яшаш тарихига аниқлик киритиларди.

Уйғурларнинг табиий ўсиш даражаси жуда паст, тўғирроғи ўзгармай қолмоқда. 1955 йили Синьцзян-Уйғур автоном райони ташкил этилганида бу ўлкадаги уйғурлар сони 6 миллион деб эълон қилинган эди. 1982 йилдаги маълумотда эса 5.949.655 нафар дея қайд этилган («Бугунги Синьцзян» мажмуаси, Урумчи, 1986, 1-бет).

СССРда эса 1970 йилги рўйхатга олишларга кўра уйғурлар 173.000, 1979 йилда 211.000 деб кўрсатилади («Советский энциклопедический словарь», М. 1984, 1372-бет).

Иккала маълумот ҳам, бизнингча, тўлиқ эмас. ЎзСЭда Тошкент областида 10.000 нуфузга эга озарбайжонлар қайд этилган. Уйғурлар ҳақида эса маълумот берилмайди. Ахир Тошкент областида (Тошкент шаҳрини ҳам қўшганда) 30.000 дан зиёд уйғурлар яшайди-ку! Айтайлик, Андижон область Пахтаобод районидаги «Москва» колхози территориясидаги Ортуш қишлоғида 11.000 уйғур яшаганини ҳисобга олсак, («Ёш ленинчи» газетаси, 1988 йил 1 ноябрь) аҳоли ҳисобидаги чалкашликлар янада очиқ кўринади.

Айтмоқ керакки, 1979 йилги рўйхатга олиш миллий-сиёсий жараёндан орқада эдики, статистик маълумотларда тахминга, субъективликка йўл қўйилган деган шубҳани туғдиради. Ошкоралик шуни тақозо этадики, совет уйғурларини маънавий ва маданий соҳаларда ётсираш, камситиш ҳоллари бўлган эди. Гарчи эслаш оғир бўлса-да, 30-йиллардаги қонли репрессия уйғурлар бошига ҳам офатлар келтирди. Сталин ва унинг атрофидагилар қутқуси билан уйғурлар тутқун қилиниб, отиб ташландилар. Ижтимоий адолатсизлик натижасида Ўзбекистондаги уйғурлар ҳам қирғин қилинди. Улар жонларини сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли — миллатини ўзгартиришга мажбур бўлдилар. Ўзларини тили, урф-одати, тарихий қисматлари ўхшаш бўлган ўзбеклар деб атай бошлашди. Бу фожиали даврда уйғур совет миллий маданияти емирилди, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт илдизига болта урилди. Миллий жараёнларни бошқариш, миллий манфаатларга эътибор бериш механизмининг издан чиққанлиги миллатлараро муносабатларни чигаллаштириб юборди.

Ҳар бир халқнинг демографик ўсиши унинг ижтимоий ва маданий тараққиётига бевосита боғлиқ эдики, уйғурлар бутун тараққиётдангина эмас, яшашдан ҳам маҳрум этилган эдилар. Эндиликда биз минг йиллардан кўп бадиий ижод тарихи, тенгсиз ва буюк маданият яратган халқнинг вакили сифатида СССРдаги уйғурлар сони тўғри, аниқ ҳисобга олинишига тилакдошмиз. Ўтмишдаги камчиликлар ва нуқсонларни англаб етиш, тўғри ҳал этиш ленинча миллий сиёсатнинг серҳосил замини бўлмоғи керак.

II

Ҳар бир халқнинг ўз қўшиғи, қаҳрамони, тарихи, ташвишлари ва қувончлари бўлади. Совет уйғурларининг ўтмиш тарихи саҳифаларини варақлаганимизда улар ички аксилинқилобчилар, хорижий мухолифларга қарши курашларда, фашизмни ер билан яксон этишда қардош халқлар, эл-элатлар билан биргаликда мардонавор жанг қилганликларининг шоҳиди бўламиз. Уйғур халқининг ватанпарвар фарзанди, босмачиларга қарши кураш қаҳрамони Маҳмуд Ғўжамёров СССР халқларининг ашаддий душмани Дутовнинг калласини танидан жудо қилиб, душманлик фаолиятини емириб ташлади. Улуғ Ватан урушида кўксини қалқон қилган уйғур фарзандларидан етишиб чиққан Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг номлари шонли тарихимизга зарҳал ҳарфлар билан ёзилди.

Улуғ Октябрь инқилобининг шарофати билан СССРдаги қардош халқлар, биринчи навбатда ўзбеклар элининг ёрдами, мададкорлиги туфайли уйғурлар сиёсий, иқтисодий, маданий, илм-фан соҳаларида катта ютуқларни қўлга киритдилар. Айтайлик, Ўзбекистон ССРда олимлар (уч фан доктори, 100 дан зиёд фан кандидатлари), инженерлар (300 дан кўп), санъаткорлар (6 нафар Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, 50 га яқин хонанда ва созандалар), врачлар (4 нафар Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган, 200 дан кўп врач), журналист (2 нафар Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, 15 нафар Журналистлар союзи аъзоси), рассомлар (бир нафар Ўзбекистон ССР халқ рассоми, 16 нафар Рассомлар союзи аъзоси), шоир, ёзувчилар (бир нафар Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, 13 нафар ёзувчи), ўқитувчилар (250 нафардан ортиқ), бастакорлар (уч нафар) ва бошқа соҳалардаги истеъдод эгаларининг шукроналик туйғуларимиз исботидир.

Партиямиз ғамхўрлиги ва кўрсатмаси билан халқларнинг маънавий куч-қудратини ошириш, шахс камолотини таъминлашда, ижтимоий воқеалар, ҳукуматимизнинг ички ҳамда ташқи сиёсатини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг роли бениҳоя катта. Ҳар бир халқнинг бой, сермазмун, баракали маданиятини, кўп асрлик шонли тарихини тиклашда, совет жамияти маънавий дунёсини бойитишда матбуотнинг вазифаси беқиёс. Шу нуқтаи назардан қараганда, совет уйғурларида айрим муаммолар, мулоҳазалар борлиги сир эмас. Ошкора айтмоқ керакки, СССРда уйғур тилида бирор журнал нашр этилмайди. Эслаймиз: 1943 йили Тошкентда уйғур тилида «Шарқ ҳақиқати» ойлик сиёсий-ижтимоий, адабий-бадиий журнал нашр этиларди. «Шарқ ҳақиқати» нашриёти фаолият кўрсатар, катта сиёсий вазифаларни бажарарди. Муайян сиёсий тазйиқлар сабабли журнал ҳам, нашриёт ҳам ёпилди. «Маҳаллий уйғурларнинг маданий ривожига эътибор берилмади». («Қишлоқ ҳақиқати», 1988 йил 11 ноябрь).

Бу ҳол 30 йилдирки, ижтимоий онгга қаттиқ таъсир кўрсатмоқда. Шарқнинг машъали, сиёсий, иқтисодий, маданий, илм-фан маскани бўлган Тошкентда уйғур тилида бирор журнал чиқариш наҳотки муаммо бўлса? Уйғурларнинг маънавий-ҳаётий эҳтиёжини қондириш мақсадида «Турист» журнали ҳажмида ойлик журнал нашр этиш масаласи кўп йиллардан буён ўртага қўйилиб, ҳал этилмай келмоқда. Журналистлар (нашриёт ходимлари) албатта топилар эди-ку!

1975 йилдаги маълумотларга кўра Ўзбекистонда 9 та нашриёт ишлайди, 259 та газета, 130 та журнал чоп этилади. Дарҳақиқат, бу юртда маданий-оқартув муассасалари ва шохобчалари кенг тараққий этган. 6.000 дан зиёд оммавий кутубхона, 3.541 та клуб муассасаси, 83 та маданият ва истироҳат боғи, 39 та давлат музейи, 60 дан ортиқ халқ музейи, 4.179 ҳаваскорлик тўгараги, 30 та театр ишлаб турибди.

Биз бу маълумотларни шу муддаода келтираяпмиз, Ўзбекистонда уйғурларга бирор клуб, бирор санъат саройи, бирор театр биноси хизмат кўрсатмайди. Андижонда ташкил этилган музикали комедия театри анъаналарининг давоми сифатида Тошкентда уйғур музикали драма театрини очиш вақти келмадимикин?

Айтмоқ керакки, совет уйғурлари ҳаётидан бирор бадиий фильм яратилмаётганлиги маданий ҳаётимизда ачинарли ҳолдир. Артист бўлмаса бадиий фильм қандай яратилади, деган фикр ҳам бор. Хўш, театр бўлмаса артист қандай камол топади?

Партия қарорларида таъкидланганидек, бошқа халқларнинг маданий-маънавий анъаналарини менсимаслик, тили ва урф-одатларини ҳурмат қилмаслик ўтмишнинг, турғунлик даврининг сарқитлари ҳисобланади. Қайта қуриш, ошкоралик шарофати билан кўп йиллардан буён айтилмаган, ечилмаган муаммолар, талаб ва истаклар ўртага қўйилар экан, миллатлараро муносабатлар маданиятни такомиллаштириш муваффақиятининг намойиши бўлиб қолади.

Осим БОҚИЕВ,
филология фанлари кандидати.

Санъаткорлар ҳақида ҳикоялар

ТУПРОҒИ ЗАР

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Меҳри Абдуллаева Улуғ Октябрь уйғотган санъат соҳибаси. Жажжигина қизча Наманганда ташкил этилган дастлабки хотин-қизлар клуби қошидаги саводсизликни тугатиш курсида ўқиш билан бирга шу ердаги мусиқа труппасига ҳам қатнай бошлади. Водийнинг кекса хонанда ва созандаларидан қўшиқ айтишни, дутор чалишни ўрганди. У оқшомлари театр саҳнасида машқ қилар, кечаларни мутолаа билан ўтказар, кундузи тинимсиз изланишлар...

У санъатга меҳр қўйиб кам бўлмади, бахтини топди. Ўзидек нафосат шайдоси Ҳамро Абдуллаев билан турмуш қургач улар биргаликда Қўқондаги «Жўр-труппа»да қўшқанот бўлиб ишлай бошладилар. Эр-хотин санъаткорларни 1930 йилда Ўзбекистон Давлат музикали театрига (ҳозирги Алишер Навоий номли опера ва балет театри) таклиф этишди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳамро Абдуллаев (вафот этган) ўзбек, Меҳри опа эса уйғур қизи.

— Отамни эслай олмайман. У қашшоқликда барвақт вафот этган. Онам бир этак бола билан қолган эканлар. Камбағалпарвар янги ҳукумат биз, етимларни бағрига олди. Дутор чалишга, қўшиқ куйлашга ўргатган устозларим эса ўзбеклар эдилар. Оилам интернационал. Бошқа миллат вакили эканлигимни ҳеч ким таъна қилган эмас.

Санъаткорлар оиласида беш қиз дунёга келди. Улардан бирининг исми Каналхон. У ҳозир врач. Исмини Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев қўйганидан фахрланиб юради...

1939 йили Катта Фарғона каналига биринчи кетмон урилди. Умумхалқ ҳашари бошланди. Унга санъаткорлар ҳам жалб этилдилар. Канал бўйлаб куни билан микрофондан хуш наволар таралиб, одамларни завқ-шавқ билан ишлашга чорларди. Тушлик ва оқшом пайтларида ўйин-кулги, куй-қўшиқ, ҳазил-мутойиба авжига чиқар эди. Шоирлар шеър ёзишар, бастакорлар куй тўқишар, хонандалар уларни ёд олиб улгуришмасди. Меҳри эса Акмал Пўлатдан олган қўшиқни қоғозга қараб куйлай бошларди.

Бу ерга гул элимнинг тоғ кесар Фарҳодлари келган,
Асов дарёни тўсган довюрак шаддодлари келган.
Уринг кетмонни, ломидан кенг адирлар пахтазор бўлсин.
Каналда ишлаганлар юз ва минг йиллар омон бўлсин.

Қурувчилар Меҳрининг «тановори»ни ниҳоятда севардилар. Жон олгувчи тарона янграганда атроф сув қуйгандек жим бўлар, санъаткор овози дутор тори бирла юракларни чертарди. «Омонёр»га «Дилхирож» уланар, қўшиқлар қалбларга қанот бағишлар, бундан руҳланган каналчилар бир кунда уч-тўрт норма бажаришарди. Бўш вақтларида санъаткорлар улар билан тенгма-тенг канал қазир эдилар.

Тамарахоним, Мукаррам Турғунбоева, Ҳалима Носировалар ҳам бу ерда тез-тез бўлиб туришарди. Ўзбекистон филармониясининг Лутфихоним Саримсоқова бошчилигидаги «Дуторчилар» ансамбли эса доимо шу ерда эди. Улар 25 нафар эдилар. Меҳри Абдуллаева оғироёқ бўлишига қарамасдан канал қурилишига келди: ўзи ишлаётган ижодий группадан ажралиб қолгиси келмади.

Зебо Ғаниева номидаги фронтчи хотин-қизлар ансамблининг аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Меҳри Абдуллаева.

Бу ерда Зуҳра юлдузи кўчмасдан карнай-сурнай садолари янграрди. Каналчиларни шу йўл билан уйготиш одат тусига кирганди. Яриш тунда санъаткор қизлар чодирида безовталик бошланди. Карнай-сурнайнинг тонги таронасидан сўнг қўшиқ бошланарди.

...Ўша куни радиокарнайдан овоз янгради:

— Диққат, диққат! Ўртоқлар, митинг майдонига марҳамат, хушхабар бор!

Уч минг каналчи бир зумда тўпланди. Йўлдош ота Охунбобоев сўз бошлади:

— Ўртоқлар, сафимиз яна бир гражданга кўпайди. Қиз бола дунёга келди. Исми ўзи билан туғилди: Каналхон қўямиз. Қадами қутлуғ, умри узоқ, сувдек сероб бўлсин!

Ота гўдакни баланд кўтарди-да, пешонасидан ўпди.

— Энди ҳамма жой-жойига, — унинг кайфияти чоғ эди.

Одамлар янада зўр шижоат билан ишга киришдилар. Йигитлар зил-замбил тупроқни Каналхон шарафига деб қазиб ташидилар. Гўдак қадами қутлуғ келди. Катта Фарғона канали 45 кунда битказилди. М. Абдуллаева атиги олти кунгина ётди, еттинчи куни яна хизматга чиқди.

— Меҳри опа, қизингизнинг тақдири барчани қизиқтиради.

— Каналхон Муҳаммедова республика қон қуйиш институтида бўлим бошлиғи. Уч фарзанди бор. Катта ўғли армияда.

— Уйғурча ашулаларни ҳам биласизми?

— Албатта. Куйлаб берайми? Бу қўшиқни 1951 йилда Хитой Халқ Республикасининг Синьцзян вилоятида бўлган маданият ва дўстлик кунларида ижро этганман. У ерга 50 нафар санъаткор боргандик. «Олти каптар», «Ойхоним» каби уйғур халқ қўшиқларини куйладим.

У уйғурча қўшиқ бошлади. Сўзларини эътиборга олмаганда ўзбек мусиқасига ниҳоятда ҳамоҳанг эди.

— Сиз Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати ўн кунликларида ҳам қатнашганмисиз?

— Москвада ўтказилган учта: 1937, 1951, 1959 йилги санъат байрамларида иштирок этганман.

— Кейинги пайтда шундай анъана негадир унутилиб кетди. Сиз бу ҳақда нима дейсиз?

— У халқлар дўстлигининг рамзи. Учрашувларда бир-биримиздан қўшиқ ва рақслар ўрганардик, репертуаримиз бойирди.

— Ҳаётингиздан мамнунмисиз?

— Бўлмасам-чи. Республика театр жамияти бу йил таваллуд топганимнинг 75 йиллиги ва ижодий фаолиятим бошланганлигининг 60 йиллигини нишонлади. Бундай бахтга мушарраф бўлган ҳам, бўлмаган ҳам бор. Улуғ Ватан уруши жангоҳларида қўшиқ айтардик. Файзихон Мирзажонова деган қизимиз уруш қурбони бўлди. Шунақа чиройли куйлар эдики...

— Зебо Ғаниева номли фронтчи қизлар ансамблида қатнашаяпсиз. Бу сизга оғирлик қилмайдими?

— Йўқ, асло. Куйласам, руҳланиб яйраб кетаман. Уруш даври қўшиқларини қайта тиклаяпмиз.

— Ўзингиз якка ижро этадиган ашула бордир?

— Раҳматлик Чустий домланинг ғалабага бағишлаб ёзган «Қувон, халқим» қўшиғини куйлайман.

— Она юртинг — олтин бешигинг, дейди халқимиз. Сиз буни қандай тушунасиз?

— Мен уйғур қизи бўлсам-да, Ўзбекистонда туғилиб, шу диёрда улғайдим. Шу жонажон ўлкада эсимни таниб, қалам ва дутор ушлашни ўргандим. Уруш йиллари шоир Камтарнинг ашуласини куйлар эдим. У шундай сатрлар билан якунланарди:

Камтаринг чун тупроғинг зар, сувларинг қанду асал,
Ўзбекистон пахтазорим, сақламоққа мен борай.

Кўпинча «Камтаринг чун» ўрнига Меҳрини қўшиб куйлар эдим. Бу менинг юракюракдан отилиб чиққан миннатдорлик сўзларим. Советлар диёрида туғилиб ўсганим, умримнинг кўпини унинг хизматига бағишлаганим билан фахрланаман.

Раъно ЗАРИПОВА.

Интернационал совет оиласида уйғур зиёлилари ҳам тенг ҳуқуқли аъзо ҳисобланадилар.

СУРАТДА: (ўнгдан) биринчи қаторда геология-минералогия фанлари кандидати Я. Эминов, иқтисод фанлари кандидати М. Мамедов, тарих фанлари кандидати, М. Қутлуғов, филология фанлари кандидати О. Боқиев. Иккинчи қаторда биология фанлари кандидати Б. Ниёзов, филология фанлари кандидати Б. Рўзиева, медицина фанлари кандидати С. Бусаков, биология фанлари кандидати Т. Жамолов. Учинчи қаторда тарих фанлари кандидати О. Жалилов, биология фанлари кандидати М. Қосимов.

Лутфулла МУТАЛЛИБ

ТАЪСИРОТИМ

Ўқиб ашъорларни завқдан маст бўлиб,
Қалбимга таъсирот, туйғулар тўлиб.
Кўзим бир нуқтада қотиб қолади,
Жисмим хаёллар баҳрига тўлади.
Қўлимда китоби, дилдан сўрайман,
Навоий нечоғлик буюк зот дейман.
Қани у Навоий! Қани бир кўрсам,
Муборак қўлини ардоқлаб ўпсам,
Қараб турсам «Хамса» ёзилган чоғин,
Кўрсам қалам-ла гавҳар қазганин.
Фарҳод қиёфасин чизганин кўрсам,
Ширинга қалб гулин тизганин кўрсам,
Тўймасман Баҳромнинг қиёфасига,
Мафтунман Дилором латофатига.
Қўй, шоир, сўзланма, ўртанма йўққа,
Навоий кўмилган эмас тупроққа.
Юраги сиғмайди оламга асло,
Руҳи кезар ер-кўк, қитъалараро.
Мозори, ҳар мисрада боқий умри бор,
Ҳар варақда сўнмас ҳаёти порлар.
У ижод дарёсига чўмилган,
У ҳар бир мисра тубига кўмилган.

1944. Оқсув.

САЛАЙ ЧАҚҚОН ЛАТИФАЛАРИ

Латифа халқ сатирасининг энг оммабоп, энг ўткир, энг ҳозиржавоб, шу билан бирга қизиқарли турларидан биридир. Халқ даҳоси яратган буюк сиймо— Насриддин афанди ва у ҳақдаги латифаларни бутун Шарқ билади, уни ҳамма халқлар таниди.

Насриддин афандининг маҳорат мактабидан тарбия кўрганлардан бири Салай Чаққондир. У тарихий шахс. 1816 йилда Қашқар вилоятининг Тўққазоқ районидаги (Ноҳия) Уфол қишлоғида новвой оиласида туғилиб, 1879 йили Қашқар шаҳрида вафот этган.

Ҳақиқат ва шодликнинг, донишмандлик ва дадиллиқнинг намунаси бўлмиш Салай Чаққон латифалари мавзу жиҳатидан ранг-баранг, маънога бой. Улар Шарқий Туркистон уйғурлари орасида кенг тарқалган.

БАХТИНГИЗ БОР ЭКАН

Салай Чаққон маҳалла имоми билан даъволашиб, қозихонага боришдан олдин қўйнини тошга тўлдириб олибди. Сўроқ қилинаётганда қозига қўйнига ишора қилиб қўйибди. Қози жонланиб, ҳукмни Салай Чаққон фойдасига чиқарибди. Кейин қози ундан сўрабди:

— Қани, қўйнингдагини чўз анди.

— Тақсир, — дебди Салай Чаққон қўйнидаги тошларни бир-бир ерга қўйиб, — агар даъвони менинг фойдамга ҳал қилмаганингизда шу тошлар билан бошингизни ёрар эдим, бахтингиз бор экан

БИР ОШ ПИШГУНЧА

Зуҳриддин ҳоким Салай Чаққонга буюрибди:

— Қишлоқларни кез-да, қопадиган, олғир ит келтир.

Салай Чаққон энг ювош итни келтирибди.

— Эй, аҳмоқ! — дебди ҳоким ғазабланиб. — Сенга қопадиган, олғир ит келтир десам, ўлимтикни келтирганинг нимаси?!

— Эй, тақсир, — дебди Салай Чаққон, — бу ит ёнингизда бир ош пишгунча турса, сиз ўйлаганданам олғир бўлиб кетади.

ГЎР КАВЛАШ

Зуҳриддинбек Салай Чаққонга буюрибди:

— Қўлингдан нима келса подшога қил!

— Гўр кавлаш, — дебди Салай Чаққон.



Улуғ рус ёзувчиси Максим Горький: «Ўзимдаги барча яхши ҳислатлар учун китобдан миннатдорман», — деган эди. Дарҳақиқат, инсон камолотида босма нашрнинг роли катта. Шунинг учун ҳам Қашқадарё область Китоб районидаги Бедил номли мактаб кутубхонаси доим гавжум. Ўн бир мингдан знёд бадиий ва илмий адабиётга эга бўлган бу нурхонада Хосият Йўлдошева ўқувчиларнинг ёшига, касб-корига муносиб, бадиий тафаккурини оширишга ёрдам берадиган китобларни танлашда уларга кўмаклашади.

СУРАТДА: Х. Йўлдошева пионерларни янги китоб мазмуни билан таништирмоқда.

Н. ШАРИПОВ фотоси.

Зиёлилар даврасида

НОШИР, ТАРЖИМОН, ОЛИМ

Инсоннинг умри ва ҳаёт йўли унинг халқ, Ватан манфаати дея қилган меҳнати билан ўлчанади, албатта. Аммо меҳнат ва ўтилган йўл ҳар хил бўлиши мумкин. Дарвоқе, дунёда одамнинг хизматини намоён этадиган ҳунарлар жуда кўп. Лекин киши ўзи танлаган касбга эътиқод қўйиб, ҳалол меҳнат қилсагина эътибор топади. У эзгу ниятни, уни амалга оширишдаги кучғайрати, яхши феъл-атвори билан эл ичра азиз бўлади. Боболаримизнинг: «Доимо эзгу ният билан яша. Ўз касбингни улуғла, уни ҳурматла. Одамларга доимо яхшилик қил. Яхшиликнинг умри узун», дейишлари бежиз эмас.

Ана шу сўзларга амал этиб келаётган ҳамкасбларимиздан бири Абдувоҳид Раҳимовдир. Сиз у кишини танийсиз. Тўғри, бевосита танимаслигингиз мумкин, бироқ у сизга сиртдан жуда яхши таниш. Қандай қилиб дейсизми? Ҳозир тушунтириб берамиз.

Маълумки, химияни мўъжизакор фан дейишади. Унга қизиқмаган, сеҳрли кароматларидан лол қолиб, ўзича тажрибалар қилиб кўрмаган инсон кам бўлса керак. Албатта, уни яхши тушуниш, билиб олиш учун кўп китобларни ўқиш керак. Бу китобларни эса ноширлар сизга биринчи бўлиб етказишади. Ноширлик истеъдод, қунт, сабр-тоқат билан ишлашни талаб этадиган касб. Шундай ҳунар соҳиби Абдувоҳид Раҳимов ҳам химия-биологияга доир жуда кўп китобларга ноширлик қилган. В. Н. Алексеевнинг «Сифатли яримминкроанализ курси», К. С. Аҳмедов ва Ҳ. Р. Раҳимовнинг «Коллоид химия», А. Абдусамадов ва бошқаларнинг «Органик химия» китоблари шулар жумласидандир.

А. Раҳимов 1960 йилда ТошПИни битиргач «Ўқитувчи» нашриётига ишга келди ва фаолиятини кичик муҳаррирликдан бошлади. Мана орадан 30 йилга яқин вақт ўтибдики, у шу даргоҳда, ноширлар коллективида самарали меҳнат қилмоқда. Бу давр ичида у бош муҳаррир ўринбосаригача бўлган пиллапояни босиб ўтди. Албатта, бунга осонликча эришгани йўқ. Тинмай изланиш, қадрдон касбга меҳр уни поғонама-поғона кўтара борди. У устозлари Мадамин Иброҳимов, Абдураҳмон Тўрахонов, Файзулла Эргашевлардан муҳаррирлик ва таржимонлик сирларини ўрганди.

— Муҳаррирлик касби кишидан ғоят синчковлик, билимдонлик, зукколикни талаб қилади, — дейди Абдувоҳид Раҳимов. — Чунки қўлёзма чуқур эътибор билан таҳрир қилинмаса, у китоб сифатига ҳам таъсир кўрсатади. Муҳаррир бўламан деган ҳар бир инсон доимо ўқиши, изланиши, ўз устида тинмай ишлаши лозим.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Фақат доимо изланишда бўлган кишигина ўз касбининг моҳир устаси бўлиб етишади. Буни Абдувоҳид Раҳимов фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Илмга ниҳоятда қизиқиш туфайли у 1970 — 1973 йилларда аспирантурада ўқиди. 1974 йилда эса химия фанлари кандидати илмий унвонига эга бўлди. Ўшанда олий ўқув юртида педагоглик қилиши мумкин эди. Моддий жиҳатдан фойда ҳам кўрган бўларди. Бироқ ноширликка меҳр-муҳаббат уни яна қадрдон коллективига қайтарди. Энди қўлёзмаларга олим нигоҳи билан ҳам қарайдиган бўлди.

Абдувоҳид Раҳимов — ўқув-педагогика адабиётларининг уста таржимони. Унинг таржималари мукаммаллиги билан китобхонларга манзур бўлмоқда. Г. П. Хомченконнинг «Олий ўқув юртига кирувчилар учун қўлланма», В. Потапов ва Г. П. Хомченконнинг «Химия», Я. Розеннинг «Мўъжизакор қўшимчалар», «Умумий химия» каби қанча-қанча китоблар унинг қалб қўри қўшилган ҳолда ўқувчилар қўлига етиб борган. А. Раҳимов ҳозирга қадар 30 дан ортиқ ўқув-педагогик китобларни ўзбекчага моҳирона ағдариб нашр эттирди. Бу эса унинг ноширлар ва таржимонлар ўртасидаги эътиборини оширди, ёшларнинг устозига айланди. Ҳозирги кунда унинг шогирдлари нашриётнинг турли редакцияларида, қўшни нашриётларда ҳам ишламоқдалар. «Ўқитувчи»нинг катта муҳаррири Султонмурод Шарипов, Муқаддас Одилова, Худойберди Пўлатхўжаев, Нормат Ғоипов, «Меҳнат» нашриётининг редакция мудири Рустам Мирзаев ва бошқалар ўз мураббийлари Абдувоҳид Раҳимов билан ҳақли равишда фахрланадилар.

СССР Журналистлар союзининг аъзоси, коммунист А. Раҳимов нашриётнинг жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этади. У сурункасига ўн беш йил нашриёт касаба союз комитетининг раиси ва партия ташкилотининг секретари этиб сайланди. Ҳозир бош редактор ўринбосари сифатида дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сифатини янада яхшилашда, коллективда амалга оширилаётган қайта қуриш ишларида жонкуярлик билан иштирок этмоқда.

У. НИШОНОВ,
Б. АКБАРОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ РУС ТИЛИ СИРТҚИ МАКТАБИ

«А» дан «Я» гача

ГОЛОВКА — кичкина бош, бошча.

ГОЛОВОКРУЖЕНИЕ — бош айланиш, гангиш, эсанкираш.

ГОЛОВОЛОМКА — душвор масала, жумбоқ, муаммо.

ГОЛОВОМОЙКА — қаттиқ қойиш, уришиш.

ГОЛОВОНОГИЙ — бошоёқли моллюскалар.

ГОЛОВОТЯП — каллаварам, ўқувсиз.

ГОЛОД — очлик, очиққанлик, қорин очган ҳолат.

ГОЛОДРАНЕЦ — қашшоқ, гадо, йўқсил, чувринди, жулдурвоқи.

ГОЛОЛЕДИЦА — муздонлик.

ГОЛОНОГИЙ — ялангоёқ, сарпойчан.

ГОЛОС — товуш, овоз, садо.

ГОЛОСИСТЫЙ — овози баланд.

ГОЛОСИТЬ — баланд овоз билан ашула айтмоқ.

ГОЛОСЛОВНЫЙ — қуруқ гап.

ГОЛОСОВАНИЕ — овоз бериш.

ГОЛОШЕИЙ — бўйни очиқ.

ГОЛУБЕВОДСТВО — каптарчилик.

ГОЛУБЕТЬ — ҳаво ранг тус олмоқ.

ГОЛУБИКА — шимол ботқоқликларида ўсадиган мевали бута ва унинг тўқ меваси.

ГОЛУБИТЬ — эркаламоқ, эркалатмоқ.

ГОЛУБИЦА — иффатли қиз, масъума.

ГОЛУБУШКА — жоним, жонгинам, азизам.

ГОЛУБЦЫ — карам дўлма.

ГОЛУБЬ — каптар.

ГОЛЫЙ — ялангоч, очиқ.

ГОЛЫТЬБА — камбағаллар, қашшоқлар.

ГОЛЬФ — тўп ўйинларидан бири.

ГОМЕРИЧЕСКИЙ — қаҳқаҳа.

ГОМОН — ғовур-гувур, ғўнғир-ғўнғир.

ГОН — ҳайдаш, қувиш, суриш.

ГОНГ — бонг, занг.

ГОНЕНИЕ — таъқиб қилиш, ҳужум қилиш.

ГОНЕЦ — чопар, хабарчи.

ГОНИТЕЛЬ — таъқиб этувчи, зулм қилувчи.

ГОНОР — кибр-ҳаво, ғурур, димоғ.

ГОНОРАР — қалам ҳақи.

ГОНТ — том ёпиш учун ишлатиладиган тахтачалар.

ГОНЧАР — кулол.

ГОНЩИК — пойгачи.

ГОНЬБА — қувлаш, ўзиш.

ГОП — хўп (сакрашда айтиладиган ундов сўз).

ГОПАК — украин халқ рақси ва унинг куйи.

ГОРА — тоғ.

ГОРАЗД — уста, эпчил.

ГОРБ — бўкур, чиқиқ.

ГОРБАТЫЙ — бўкур, букчайган.

ГОРБИНА — дўнг жой, бўртиқ, дўнглик, қабариқ.

ГОРБОНОСЫЙ — қирғий бурун.

ГОРБУША — денгиз балиқларидан бири.

ГОРБУША — сопи калта ўроқ.

ГОРДЕЛИВО — ғурур билан, виқор билан, мағрур, мағрурона.

ГОРДЕЦ — кибр ҳавоси, димоғи баланд одам.

ГОРДИЕВ — чигал масала.

ГОРДИТЬСЯ — фахрланмоқ, ифтихор қилмоқ.

ГОРЕ — қайғу, ғам, дард-алам.

ГОРЕЛЫЙ — ёнган, куйган.

ГОРЕЛЬЕФ — текис сатҳга ишланган бўртма шакл, нақш.

ГОРЕМЫКА — боши қийинчиликдан, ғам-кулфатдан чиқмаган одам.

ГОРЕЦ — тоғлик, тоғли жойда яшовчи киши.

ГОРЕЧАВКА — газак ўт, гажак ўт.

ГОРЕЧЬ — аччиқ таъм, алам, доғ.

ГОРЖЕТ — ташлама мўйна ёқа.

ГОРИЗОНТ — уфқ.

ГОРИЛЛА — одамсимон катта маймун.

ГОРИХВОСТКА — қизилдум чумчуқ.

ГОРИЦВЕТ — гулизардак.

Редактор
А. Ғ. МУХТОРОВ.

ЙЎЛДА

ОЧЕРК

I

Бу воқеага анча бўлди...

Номозгарга яқин йўлга чиққан Колхида кечни қоралаб Тошкентга кириб келди. Юк туширилгач, шофёр қоровулга тайинлади:

— Кўз-қулоқ бўлиб турасиз-да, бобой...

Сўнг тамадди қилгач, «Тошкент» меҳмонхонасига йўл олди.

Қуёш аллақачон ботган, шаҳри азим қоронғилик оғушида қолмоқда эди. У ҳориган оёқларини чўзганини, ечинмасдан, лампочка ёниқлигича қолганини сезмаёқ донг қотди. Тушида йўлни кесиб ўтаётган қандайдир бир кампир суриниб йиқилибди. У босиб кетмайин, деган хаёлда рулни ўнгга буриб юборибди. Боши кабина эшигига урилибди-ю, оқ оралаган сочлари қонга беланибди. Йиқилган кампир тура солиб ёрдамга келибди. «Тирикмисан?» дея тортқилай бошлабди. Кўзларини очиб қараса, кампир қиёфасида ўзининг Каромат аммаси эмиш. «Амма, амма! Ҳеч нарса қилмадимми?» дер экан, қора терга тушиб уйғонди. Тушимми, ўнгимми? Ўғли Собир қаердан келиб қолди? Нега кўзларида ёш? Нега авария бўлди? Собирни ким хафа қилди?...

Абрўй ҳамон калхатдек тўлғонар, қаршисида қайкалдек қотиб турган ўғлига тикилиб, кўзларига ишонмас эди. Тошкент Автомобиллар институтида ўқиётган Собирга меҳмонхона ёнидаги будкадан телефон қилганини, хонасининг номерини айтганини, ўқишларини, махсус мактаб-интернатда таҳсил кўраётган кичик қизининг соғу саломатлигини сўраб-суриштирганини аллақачон унутганди.

— Собиржон, тинчмисизлар? Нега йиғлаяпсан? — сўради у каравотдан тураркан. — Ўтир.

— Аммам қазо қилибди. Мана телеграмма, менга юборилган, — деб қоғозни отасига узатди.

— Нима? Қачон? Шўрлик. Бу ёққа бер-чи! — У телеграммани олди. «Собир... Каромат хон ая... дунёдан ўтди... Отангни топ... Тошкентга кетган эди. Етиб келсин. Ун еттида... Кутамиз». Абрўйнинг кўз олди қоронғилашиб кетди.

— Мен сиз билан борайми? — сўради ўғли мунгайиб.

— Йўқ, ўқишинг қолиб кетади...

* * *

...Еруғлик қояларни тиғдек тилиб ўтдида, тиниқ осмонда чарақлаётган юлдузларнинг чиройига раҳна солди, ёйнинг ўқидек чўзилиб, зулмат кўксига санчилди. Колхиданинг тезлиги бурилишда секинлашди. Темурланг дарвозасидан ўтаётганини кўриб, унинг дили бироз равшанлашди.

Бу воқеадан беш-олти йил ўтган бўлсаям, мана бугун яна иш юзасидан Тошкентдан қайтаётиб, Абрўй йўл бўйи аммаси билан боғлиқ болалиқ, етимлик кезларини эслаб кетди. Бирров киприк қоқай демади. Шитоб билан йўл танобини тортаверди. Бундай пайтда киши оёқларининг томири тортишиб оғриётганлигини, толиққанини унутади. Йўлнинг ярмини босиб ўтган бўлишига қарамай дам олишни хаёлига келтирмади. Тонг ёришгунча аммасининг сомон шувоқли уйи, катта аммасининг хокисор эри Кўлдош бобо, мол боқиб кечган болалиги, нотанти ва яхши одамлар, эзгуликнинг сўнгги нурафшон манзилларга элтиши кўз олдида чарх ураверди, чарх ураверди....

II

— Минг тўққиз юз ўттиз биринчи йилда туғилганман, ойини аниқ билмайман, — дейди Абрўй тоға. — Узбекистон ҳукуматининг буйруғи билан Саройқўрғон қишлоқ Совети (Каттақўрғон райони)даги аҳолини Қорадарё районига кўчиришди. Боиси, шу колхоз майдонидан сув омбори қурилиши тасдиқланган бўлиб, ишлаш учун одам керак эди. Муҳаммади исмли киши бизларни жойлаштирди. «Қаҳрамон» колхозидаги Эсовойтепа қишлоғида бир неча йил яшадик. Отам ва онам колхозда ишлардилар. Мен иккинчида ўқирдим. Қирқ биринчи йили Улуғ Ватан уруши бошланди. Урушнинг иккинчи йили укам туғилди. Исмини Раҳмат қўйдик. Отам кўнгиллилар қаторида фронтга кетди. Биз онам билан қолдик. Ейишга нон йўқ, ёқишга ўтин. колхоз шароити оғирлашгандан оғирлашиб борарди. Қирқ учинчи йили Нарпай район «Ким» колхозига кўчиб ўтдик. У пайтда бу районда тўққиз колхоз бор эди.

Ун иккига кирганимда от миниб, акушка қўшдим. Июндан то сентябргача онам касал бўлиб ётди. Колхоз раҳбарларидан бири Иброҳим исмли киши бўлиб, иккинчи марта уйланганди. У олган аёлнинг бири Сталин номли колхознинг бухгалтери эди. У жанггоҳдан икки оёғи кесилиб қайтиб келди ва ўз касбини давом эттира бошлади. Колхозда ревизия бошланди. Бухгалтер тонди. Бу — далил. Иброҳим деганн элликларни қоралаб қолганди. Тўнғичи Наби, қизлари, Лола, Мария эди. Иккинчи хотини Улжон эса ўттиз ёшларда эди. Хипча бел, жонон эди қурғур. Ҳукумат қуриб берган уйга қўшимча хоналар ҳам қуриб олишганди. Ревизия бошланди. Райком, райисполком, НКВДдан одам келиб, ўша Иброҳим деганнинг уйини рўйхатга олди. Кечаси Иброҳим катта ҳамтоқларн билан қочиб қолди. Қозон, идиш-товоқ, умуман чўкадиган нарсаларни дарахт билан қуршалган ҳовузга ташлашди. Тўрт аравагина жиҳозлар олиб кетилганди. Қолган нарсага колхознинг тафтиши Нуратилла деганни қоровул қилиб қолдиришди. Ўша тафтиш иччилик деса ўзини томдан ташлади. Ҳалиги қочиб қолган Иброҳим катта шу ерда кечқурунлари овқат тайёрларди, базми-жамшид қилишарди.

— Сен бемалол ётабер, — деганди Иброҳим қочаётиб. — Ишонаман сенга, Нуратилла. Мен кетдим.

— Дунё шу-да. ўтиб кетаверади. Хотин, бола-чақалар омон-эсон бўлсин. Дунё шуда, — деб мудир охирги қадаҳни бўшатди.

Наби деган ўртоғим билан ётардик. Тун ярмидан оғганда ғала-ғовур бошланди. Уйғониб кетдик. Қарасак, ўндан ортиқ от, эшак ва одамлар ивирсиб юришибди. Кечаси омборчи қолган-кутган нарсаларни йиғиштириб жуфтакни ростлаб қолди. Тонгда Нуратилла отини ўйнатиб кириб келди.

— Қочириб юборибсизлар! Қаёққа жўнатдиларинг Иброҳимни? Топиб берасизлар! — деб қамчини ҳавода ўйнатиб дағдаға қилди.

Онам бетоб эди. Нуратилла отини чопгириб кетганича раисни эргаштириб келди. Мени ушлаб олди-да, қамчи туширди.

— Билмайман унинг қаерга яширинганини.

— Биласан, — ўшқирди раис.

Раис сўкинганича тафтишдан қамчини олиб мени роса савалади.

— Топасанлар. Қочиришга қочирибсанлар, энди кўзларинг кўр, қулоқларинг карми? Айтсаларинг-айтмасаларинг борбудларингдан ажраласанлар, итдан тарқаганлар, — раис бўғиқ овозда сўкинарди.

— Падарингга лаънатлар! Эшшак сути эмганлар!

Улар ҳолатда ётган онам инграрди, холос. Онамнинг келинлик чоғидаги сепигача талаб кетишди. Кўрпача-кўрпаларни ҳам олишди. Мол-ҳолимиз колхоз ҳисобига ўтказилди.

Кечаси билан укам иккаламиз онамизнинг тепасида мижжа қоқмай ўтириб чиқдик. «Отамиз фронтдан келсин, ҳисоблашамиз!» Шу илинжгина бизга далда эди.

Эртасига райисполкомга бордим. Воқеани ипидан-игнасигача сўзлаб бердим.

— Бораман, текшираман. Нима натижа чиқишини сўнг айтаман, — деди Зоиров деган киши.

Ула-ўлгунча қарздорман Йўлдош бободан. Зоиров текширса текширгандир... Шу орада отам ярадор бўлиб келиб қолди. У ўқтин-ўқтин йўталар, нафас олиши оғирлашиб, бўғилиб қолар, нуқул сув сўрарди. Юрагининг ёнғинасидами, ўпкасидами ўқ парчаси қолган дейишарди. У кундан кунга чўпдек озиб борарди.

Шу орада қиш қиличини қайраб келиб қолди. Ер-кўкни оппоқ қор қоплади. Совуқ. Отам шишиб кетди, кейин... Икки кун ўтгач, етти ой кўрпа-тўшак қилиб ётган онам ҳам бизларни зор қақшатиб кетди-қолди... Икковини ҳам Йўлдош бобомизнинг кўмагида дафн этдик. У ота ўрнида ота, она ўрнида она бўлиб иссиқсовуғимиздан хабар олиб турди. Айтишни унутибман, отам урушга кетмасдан олдинроқ эгизаклар — сингилларим туғилган эди. Бир қути, гугурт, бир ушоқ нонга зор кунларимиз ҳам бўлди. Тақдир етимларни ҳар томонга тупроқдек сочиб ташлади. Йиғиб олишинг амри маҳол эди. Тиниқ билан Қурбон акамни аммам олиб кетди. Ака-ука иккимиз ота-она чироғини ёқиб, кулбамизда қолдик.

III

Кўклам. Кечагидек кўз олдимда. Қийшиқ, ранги униққан эшик ўрнатилган дарчадан бригадир энкайиб кириб келди.

— Абрўй, суюнчи бер! Колхоз идорасига райком секретари келибди. Тез етиб борингларнинг.

Укамни эргаштириб, колхоз идорасини излаб кетдик. Қоровул чол дарвозадан киритмади. Раис бизни кўрди-ю, тутоқиб:

— Йўқолинглар, эшак сути эмганлар! — деб дўқ урди.

Райком секретари Саттор Яхшиев деган киши экан. У кетиш олдидан кимлигимизни сўраб-суриштирибди. Ота-онамнинг ўлими ҳақида йиғламсираб сўзладим. Очлигимизни, сигир-қўйимизни зўрлик билан тортиб олишганини айтиб бердим.

— Ферма мудирини топиб келинглар, — деди Саттор Яхшиев, — Отасиз-онасиз ғўдакларга қилаётган ғамхўрлигингиз зўравонликми? Партиямиз, давлатимиз раҳбарликни шу мақсада ишониб топширгандир қўйгани йўқдир, ўртоқ раис! Виждонингизни сариқ чақага сотмоқчимисиз? Ота — фронтовик! Биз учун, сиз учун, она-Ватан учун, ўртоқ раис, қон кечган, жонини фидо қилган...

Шу пайт қаёқдандир ферма мудири пайдо бўлиб қолди.

— Ҳай, сен! Ўнг қулоғинг билан ҳам, чап қулоғинг билан ҳам эшит! Бугуноқ бўшатаман. Нима қилишимни ўзим биламан. Туёғингни шиқиллат! Эшак сути эмганлар! — ўшқирди раис қуршаб турган колхоз раҳбарларига. — Йўқолинглар! Эшак сути эмганлар!

Бу мен билан укамга айтилгани эди. Раиснинг шингирайган кўзларидан, важоҳатидан қўрқиб, жуфтакни ростладик.

Кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар ўтаверди. Дала айланиб юрган райком бир куни бригадага келди. Аравага кўк отни қўшаётган эдим. Қизариб-бўзариб саломлашдим.

— Қийналмаяпсанми, болакай? — сўради эркалаш оҳангида у.

— Йўқ! — бошимни қимирлатдим.

— Нима иш қиласан?

— Арава минаман. Акушка қўшаман. Колхозчи қизлар уйган чимни ташийман.

Устига-устак шу пайт яна ферма мудири кўриниб қолди. Райком уни таниб, чақирди.

— Етимлардан олганларингни қайтариб бердингларми, ўртоқ мудир? — сўради у қовоғини уйганича.

— Бердик, бердик, — илжайди мудир ялтоқланиб.

— Гилам, кўрпа, яна майда-чуйдани бермади, — дедим дабдурустдан.

— Раисга айт, ўзинг қўшилиб бор. Эртага бюро мажлиси бўлади, сенга жавоб, ўртоқ мудир!

Уша йили ноябрь ойининг охирларида Каттақўрғон сув омборида (ҳозир Водохранилише посёлкаси дейилади) яшовчи оиймнинг синглиси Ҳайитгул хола келиб бизни олиб кетди.

Ёзда Ҳайитгул холамникидан ҳам кетдим. Каттақўрғондаги Охунбобоев номли колхознинг Дашт участкасига бориб қолдим. Подачилик қилдим. Участканинг бригадири Авезов Ҳаким деган киши эди. Бир кун у менга шундай деди:

— Қишлоқ молларини қарамоғингга берай. Боқгин. Ҳалқнинг берган нони билан кун кўрасан. Уч кунда ҳар бир сигир бошига бир дона нон беришади. Ярим пуд буғдой оласан. Бардош қилолсанг, албатта.

Каллаи саҳарлаб қишлоқ молларини уймауй юриб тўпладик. Ҳаммаси ўн еттита экан. Ун иккита соғин сигир, бешта ўйноқи бузоқча. Урушдан кейинги йиллар эмасми, очин-тўқин кун кўрамиз. Шу қишлоқлик миттигина бир бола билан ўртоқ тутиндим. Отаси ўлган экан унинг ҳам. Қора хат келибди. Онаси бечора етти болани боқаркан бир ўзи. Саккизинчи бўлиб уларга қўшилдим. Дўстимнинг исми Маматқул эди. Айрим кунлари Маматқулнинг битта ўзи молни қирга ҳайдаб кетарди. Мен балиқчи хотинларга қарашардим. Мария деган меҳрибон рус аёли уйга қайтишимда чоғроқ тоғорада зоғора балиқ бериб юборарди. «Синок, мой синок» деб сочимни силаб сийпарди.

Совет министрлигининг қарори билан Каттақўрғон ўрмон хўжалиги ташкил этилган денг ўша пайтлар. Мен тракторчига ёрдамчи бўлиб ишга кирдим. (Дизельний трактор керосин билан юрарди). Икки йилча умрим шу хўжаликда ўтди. Учинчи йили лесхоз директори Умаров деган киши эди. Бир куни у мени чақиртирди:

— Ўқишга юборамиз. Механизаторликка, битириб келгач, янги трактор берамиз, — деди.

Шундай қилиб механизация мактабини тугатдим. Ишониб трактор беришди, директор ваздасининг устидан чиқди. Ҳали дурустроқ ишлар-ишламас, ҳарбий хизматга чақирилдим. Иккинчи онам аввалига ишонмади. Исми Ойша эди. Чақирув қоғозини кўргач, ноилож хўрсинди.

Олдинда жужуқлар, кетидан муштипар она поезднинг ортидан чопа бошлашди. Шундагина она меҳрининг нималарга қодирлигини ҳис қилдим.

— Болам, хат ёзиб тургин. Яшаётган жойингни аниқ кўрсат. Укаларингга ўқиттираман. Хизматингни тугатгач, тўппа-тўғри кириб келавер. Бағримиз, уймиз, эшигимиз сен учун ланг очиқ. Ой бориб, омон қайт, болам!

Самарқанд области ортда қолди. Йўлда сўрашди:

— Унинчини тамомлаганлар борми? Ким рус тилида аниқ, равон гаплаша олади? Қўлини кўтарсин. — Ўртага жимлик чўкди.

— Мен, — дедим тортиниб, — оз-моз русчага ўрганганман...

Украинанинг Хмелницкий областига етгач поездимиз тўхтади. Бекатга тушдик. Қисмдан танкчилар тайёрлаш билим юртига ўқишга юборишди. «Учинчи класс ҳайдовчиси» деб ёзилган диплом беришди. Генерал раҳбарлигида ҳарбий текшириш ўтказилди. Имтиҳондан аъло ўтдим. Шундан сўнг етти кун отпуска тайинлашди. Каттақўрғонга келиб, укамни, онамни, сингилларимни кўриб кетдим. Қисмга боргач, сержант бўлдим. Хизмат бурчимни тамомлаб, юртимга қайтиб келдим.

IV

ПМКга тракторчи бўлиб ишга кирдим, кейин шу ташкилотнинг йўлланмаси билан шофёрлик курсига бордим, уч ойлик ўқишни тугатиб, гувоҳнома ҳам олдим, то ҳозиргача ишлаб келаяпман. Каттақўрғонда хўжалик ҳисобидаги 10-автотранспорт корхонасида машина ҳайдадим. ЗИЛ—150, ГАЗ-53 маркали. Планни 100—120 процент қилиб белгиланган муддатдан доимо ошириб бажариб келаяпман. Шу ерда уйландим. Умр йўлдошим Қўзибоева Гулсара билан икки қиз, бир ўғилни вояга етказдик. Тўнғич қизим, ўзим ҳарбий хизматдан бўшаб келиб тракторда ишлаган ПМКда токарь. Умр йўлдошим уй бекаси, пазанда. Ўғил-қизларимдан невараларим бор. Бахтлиман. Минг тўққиз юз олтмиш бешинчи йилдан бери коммунистман. Беш йилликларда илғорлар сафидаман ҳар ҳолда. Бир неча йилдирки, шу автобазада шофёрман.

— Узундан-узоқ йўлларни умр йўлингизга таққосладингизми?—хаёлга келган ўй беихтиёр тилимга кўчди.

Жавоб бўлмади. Эшитмади чоғи. Абрўй Холбеков ўз ҳикоясидан тўлқинланган эди...

V

Самарқанд сари елиб бораётган машина рулини бошқараётган Абрўй ўтмиши ва келажагини кўз олдига келтирди. Соатига қаради. Ун минутдан сўнг Тошкент вақти билан тўрт, Самарқанд вақти билан учга занг урилади. Қилинмаган, ҳали қилиши керак бўлган ишлари қанчадан-қанча.

Умрининг ўттиз беш йили йўлда ўтди. Йўлнинг торлигини, эгри-бўгрилигини, гоҳида эса равонлигини умр йўлининг аччиқ-чучукларига қиёсласа адашмайди киши.

Фарадан таралаётган ёруғликни кесиб йўлга чиққан кишини кўриб қолди-ю, четда турган «ЗИЛ-30» маркали машинанинг ёнидан ўтиб тўхтади. Сакраб машинадан тушди.

— Тинчликми, ҳамкасб?

— Мотор ўт олмаяпти. Яп-янги машина юрмайди. Кечқурундан бери ораман. Қаеридан экан-а? — Пайдар-пай тушунтирарди қўш бармоқлари қора мойга беланган, кўзи қисиқ шофёр. — Аккумулятор клеммаси ёнидаги занжирни кесиб сим уладим, барибир қимирламаяпти.

— Кабелларда ток борми?

— Йўқ.

— Аккумулятор янгими?

— Ҳа-да, шунисига жиғи-бийрон бўламан. Россия ўрмонларини, бийдек Қозоғистон чўлларини кезиб, тўппа-тўғри заводдан олиб келаяпман.

— Клеммаларини тозаладингизми?

— Ҳа.

— Аккумулятордан чиққан кабеллар маҳкамланган жойни-чи?

— Кўрганим йўқ.

— Ток зарядланиб масса бўлиб қолган, бу аниқ. Ўн еттинчи калитни олинг бу ёққа.

— Ҳозир...

— Юргизинг-чи!

Шофёр калитни буради. Статер ғижирлаб, мотор ўт олди.

— Эҳ! Раҳмат, сизга биродар!

Ажралишди.

Аккумуляторнинг узилган қисмини яқин ўртадаги гаражга кириб улаб олишни тайинлаш ёдидан кўтарилибди. Машинани тўхтатиб, айтмоқчи бўлди. Тезликни секинлаштирди. Кўзи қисиқ шофёр буни тушунмай, қўлини силкитиб ўтди-кетди. Бунақанги ҳодисаларга Абрўй ҳам илк бор машина рулини бошқарган кезлари кўп бор дуч келган. Тажрибали шофёрлар жонига ора киришган. Карантин пайтида, техосмотр чоғида моторни қайта-қайта териб чиқди. Йиллар ўтаверди. Изланиш натижасида тажрибали, тежамли, иш унумини оширувчи ҳайдовчилар сафидан ўрин олди.

VI

— Расми илғорлар тахтасидан тушмайди. Олис масофаларга қатнашни ишониб топширишган унга. Кутилган суръатдан ҳам юқори даражада ишлаяпти. Сўзи билан иши бир унинг, — дейдилар Абрўй Холбековнинг ҳамкасблари. — Ёнилғини тежайди, ремонтга ишлатиладиган қисмларни давлат фойдасига қолдиради. Машинасини икки-уч йилга атиги бир марта ремонт қиладиган даражага эришди. Абрўй Холбеков ҳалол хизматлари учун бир неча бор тақдирланган.

Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур, деган нақл шофёрларга айтилган дейилса хато бўлмас. Техникага меҳр қўйсанг, дорда қолдирмайди, узоқ йўлингни яқин қилади. Абрўй ҳақида яна нимаям дейман? Автобазанинг фахри, жонкуяри. Унинг бир одати бор: двигателнинг ишлашига қулоқ солиб, қаерининг болти, гайкаси бўшаган, нимаси ейилган, қайси қисмини алмаштириш керак, кўзинга тик қараб айтиб бера олади. Текшириб кўргач, айтганлари тўғрилигига ишонч ҳосил қиласан.

VII

У нурга йўғрилган қадимий Самарқандни айланма йўл билан босиб ўтди. Светофорнинг қизил чироғи ёнгач, турли маркали автомобиллар билан қўшилиб тўхтади. Шаҳар тугаб, кенг йўлга чиққач, тезликни оширди.

Тонг ёришиб келарди. Ёз бўйи қақраб ётгани учунми, қўйлар чимдиб кетган майда, қизил гўлли янтоққа бурканган, уч кун олдинги куз ёмғиридан хумори босилган Советобод чўллари бошланди. Ғуж-ғуж тўпланган, кечаси дам олган отарлар ғимирлаб қолишди. Вафодор, қўриқчи итларнинг акиллаши кенгликларга таралади... Дўнгликлар, ўркачсимон тепаликлар — ҳамма-ҳаммаси шафақ нурини эмгандек қизил рангда товланиб, кузатаётган кимсанинг кўзини қамаштиради, ақлини шоширади, Абрўйнинг ўйлари нураб кетди. Ўғлини эслади: Зарафшон шаҳрида ҳозир. Ўқишини тугатгандан буён ўша ёқда иш муддатини ўтаяпти. Келини ҳам ўғли ёнида, муаллим. Ҳар замонда бир келишади. Соғликларини, ҳол-аҳвол сўрашиб бир кун, ярим кун туриб кетишади. Иш зиқ. Вақт зиқ.

VIII

У светофорнинг қизил чироғи ёнгач, яна тўхтади. Липиллаётган сариқ кўз яшилга алмашингач, газ берди... Қўш табақалик дарвоза олдида тўхтаб, ҳовлига кирди — ҳеч ким йўқ. Қўшниси чиқиб уйидагилар катта қизи Раъноникидалигини айтди. Машинасига ўтириб гаражга жўнади. Машинани қолдириб бир муддат директор хонасига кирди-да, рухсат олиб, уйига жўнади...

Сут рангидаги «Пол люкс»нинг орқа ўриндиғига қоғозга ўралган майда-чуйдани жойлаштирди. Машинани кўздан кечириб чиқди...

Нарпай районига бориладиган, четига иҳота дарахтлари экилган йўлга тушгач, хаёлини инсонлар ҳақидаги туйғулар эгаллади. Ҳу бирда вафот этган ўша Каромат аммасининг қизларидан, жиянларидан бир хабар олгиси келди. Нигоҳи ипсиз-изсиз йўлга қадалди. Абрўй фикрларини хулосалаб, хаёллар гирдобидан чиқмоқчи бўлар, лаблари сассиз пичирларди...

ОТАЁР.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Р — 14242. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. 2151. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12